БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 164 (6591)
17 АВГУСТ 1946 йил
ШАНБА
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Қанд лавлаги ҳосилини йиғиштириб олишга пухта тайёрланайлик

Ўзбекистон лавлагикорлари бу йил эрта кўкламдан бошлаб фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил учун пухта замин тайёрладилар. Далаларда етишган ҳозирги лавлагилар мўл ҳосилдан дарак беради. Тошкент қишлоқ райони ва Янгийўл районининг колхозларида ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ерда ўртача 250 центнер ҳосил та'мин этилган. Тошкент қишлоқ район Қатортол қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг даласида етишган лавлаги ҳосили ҳар гектар ҳисобига 400 центнер, Янгийўл районидаги «Қизил Шарқ» колхозида 475 центнер мўлжалланади. Бундай юқори ҳосилли колхозлар бу йил республикамизда кўпгина сонни ташкил этади.

Ҳозир лавлаги экинининг охирги парваришини кучайтириб ҳосилга ҳосил қўшиш пайти келди. Лавлаги ерда семирадиган шу кунларда унинг сўнгги парваришини тинмай давом этдириш ва юқори сифатли ўтказиш талаб этилади. Август ойи ичида ҳамма ердаги лавлагини яна бир марта чуқур чопиш, қатор ораларини культивация қилиш ва қондириб суғориш шартдир. Шу даврда яхши парвариш қилинган ҳарбир туп лавлагига кунига 4 граммдан ҳосил қўшилади. Лавлагикорлар ана шу қўшимча ҳосилни қўлга киритиш учун барча куч ва имкониятлардан тўла фойдаланишлари керак.

Лекин, шуни айтиш керакки, лавлаги мўл-ҳосили учун курашнинг ҳозирги мас'улиятли кунларида айрим колхозларда лавлаги парвариши тўхтатиб қўйилган. Масалан, Тошкент областининг Оҳангарон районидаги бирмунча колхозларда лавлагининг сўнгги парваришига э'тибор берилмасдан ўт бостириб юборилган. Бунинг натижасида лавлагилар семирадиган пайтда ўт орасида қисилиб ўсишдан тўхтаб қолган. Бу райондаги партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари ва колхоз правлениялари қўшимча ҳосилнинг қўлдан бой берилаётганини тушинмаётирлар.

Лавлагикорларимиз август ойининг охирларида ҳосилни қазиб давлатга топшира бошлайлилар. Лавлаги ҳосилини қазиш ва уни қабул пунктларига етказиб бериш кўп куч сарф қиладиган ва ҳарбир соатдан унумли фойдаланишни талаб этадиган муҳим иш. Айниқса бу йил ҳосилнинг кўп бўлиши кутилади. Шунинг учун лавлагикор колхозлар, қанд заводларига қарашли қабул пунктлари бу муҳим кампанияга ҳар тарафлама пухта тайёрланишлари керак.

Ўтган йили лавлаги ҳосилини йиғиштириб олишга яхши тайёрлик кўрилмагани орқасида иш кечикиб, кўп колхозларда ҳосил тўла равишда йиғиштириб олинмади. Ҳосилнинг анчагина қисми ерда қолиб кетди. Қазиб олинган лавлагилар ҳам ўз вақтида тозаланиб, қабул пунктларига топширилмади. Шунинг натижасида республикамизда лавлаги тайёрлаш давлат плани тўла бажарилмади. Бунга лавлаги қабул пунктларининг ҳосилни ўз вақтида қабул қилиб олишга тўла-тўкис тайёрлик кўрмаганликлари ҳам катта сабаб бўлган эди.

Янги лавлаги ҳосилини қабул қила бошлашга жуда оз вақт қолди. Лекин қабул пунктлари ўтган йилги сингари бу йил ҳам колхозлардан лавлагини қабул қилиб олишга тайёргарликни ниҳоятда кечиктирмоқдалар. Кўп пунктларда лавлаги қабул қилишнинг биринчи кунларида керак бўладиган зарур асбоб-ускуналар тайёрланмаслиги бу йил ҳам ҳосилни ўз вақтида саранжомлаб олишга халал бериши мумкин.

Самарқанд область Зирабулоқ қанд заводи ёнидаги қабул пункти (мудири Ўртоқ Намин) шу заводга қарашли 75-нчи разъезддаги пункт (мудири Ўртоқ Каупак) лавлаги ғарам қиладиган жойларни ҳозирлашга ҳалигача киришмаганлар. Бу пунктлар лавлаги қабул қилучилар, тарозвонлар ва ишчи кучлари билан та'мин этилмаган. Фарғона областининг Горский районидаги қабул пунктларида, Тошкент областининг Оҳангарон районидаги Облиқ пунктида юқоридаги камчиликлар билан бирга ишчилар учун ётоқхоналар ҳозирланмаган, чойхона ва ошхоналар очиш ҳали ҳеч кимнинг эсига келган эмас.

Ўтган йили лавлаги пунктлари ишчилар билан етарли та'мин этилмаслиги орқасида колхозлардан келган лавлагиларни ўз вақтида қабул қилиб олиш, ғарамлаш ва қанд заводларига жўнатишда катта қийинчиликлар юз берган эди. Шунга қарамасдан, ҳозиргача республикамиздаги лавлаги пунктларининг биронтаси ҳам керакли миқдорда ишчи кучлари таниланга киришган эмаслар.

Қанд лавлаги экадиган районлардаги партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, техника экинлари бўлимлари ва қанд заводларининг ходимлари лавлаги ҳосилини йиғиштириб олишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўришни та'мин этишлари керак. Аввало, колхозларда лавлаги қазиш, уни тозалаш ва давлатга топшириш учун етарли даражада одам кучлари ажратиб, уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланишга алоҳида э'тибор бериш зарур. Шу билан бирга лавлаги қазийдиган асбобларни ремонт қилиш, от-ҳўкизларни боқиб семиртириш керак. Лавлаги тозаловчилар пичоқлар билан та'минлансин, лавлаги ўлчаш учун колхозларда 50 килограммлик стандарт яшиклар тайёрлансин, тош-тарозилар тахт қилиб қўйилсин. Қазилган лавлагини қабул пунктларига етказиш учун колхозлар тегишли от-араваларни ҳозирдан ажратиб қўйишлари керак. Дала йўллари ва кўприкларни ремонт қилиб, арава, машиналарнинг тўхтовсиз қатнашини осонлаштириш лозим.

Агитаторлар йиғим-терим олдидан колхозчиларга давлатга топширадиган лавлаги учун янги қонунга мувофиқ бу йил ўтган йилларга қараганда кўпроқ натура олишларини кенг равишда тушинтиришлари керак. Бригада, звеноларда қазилган ва давлатга топширилган лавлагиларни алоҳида ҳисобга олиш зарур. Пландан ортиқча ҳосил топширган бригада ва звеноларнинг а'золарига қўшимча ҳақ тўланишини уларга яна ҳам яхшироқ уқдириш керак.

Лавлаги қазиш, тозалаш ва уни ташиш ишларини якка ишбай асосида олиб бориб, далада иш унумини оширишга ва колхозчилар ўртасида социалистик мусобақа ва стахановчилик ҳаракатини кучайтиришга эришмоқ зарур.

Сталинча тўртинчи бешйилликнинг биринчи йилида етиштирган мўл қанд лавлаги ҳосилини сра нобуд қилмай ўз вақтида қазиб давлатга топширишни большевикча уюшқоқлик билан ўтказиш учун пухта тайёрланайлик!

Совет Иттифоқида

«ҚАСАМ» ФИЛЬМИ 500 НУСҲАДА ЧИҚАРИЛАДИ

ЛЕНИНГРАД, 15 август (ТАСС). Ленинградда кинофильмлар нусхасини кўпайтирадиган фабрика тикланди. Фабрика Сталинград, Таллин, Петрозаводск, Львов, Архангельск, Великие Луки шаҳарларига ва кўпгина ҳарбий округларга «Қасам» фильмидан 80 нусха юборди. Фильм 500 нусҳада чиқарилади.

Фабрика август ойида 4 миллион метр кинофильм чиқаради.

«ҚАСАМ» ФИЛЬМИ МАМЛАКАТНИНГ КИНОЛАРИДА

ТАЛЛИН, 15 август. (ТАСС). Эстония пойтахтида «Қасам» фильми кўрсатила бошланди. «Хелиос» кино-театрида бу машҳур картинага бағишланган кўргазма ташкил қилинди.

★ ★ ★

АШХАБОД, 15 август (ТАСС). Ашхабоднинг катта кино-театрларида «Қасам» фильми кўрсатила бошлади. Кино-театрларнинг заллари тамошабинлар блан лиқ тўлган.

Тамошабинлар ўз таассуротларини дафтарга ёзиб қолдирмоқдалар. Шоир Раҳмат Саидов бу картина тўғрисидаги таассуротини шундай деб ифодалайди: «Меҳ картинани кўриб, ўзимни фильмдаги қаҳрамонлар блан бирга ҳис этдим. Фильмда улуғ Сталиннинг сиймоси маҳорат блан яратилган».

Ашхабод киностудияси картинани овулларда кўрсатиш учун яқин кунларда туркман тилида чиқара бошлайди.

ЯНГИ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИ

РУБЕЖНОЕ (Ворошиловград область), 15 август (ТАСС). Ворошиловград областидаги Рубежное шаҳрида катта трикотаж фабрикаси қурилмоқда. Ҳозирги вақтда фабрикада ускуналар ўрнатилаётир. Фабриканинг биринчи навбат қисми яқин ойларда ишга туширилади. Фабрика йилига 8 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқарали.

УКРАИНАДА АСБОБЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЗАВОДЛАР ҚУРИЛМОҚДА

КИЕВ, 15 август (ТАСС). Винница ва Львов шаҳарларида Украинанинг машинасозлик саноати учун асбоблар ишлаб чиқарадиган заводлар қурилабошланди.

Қурилиш ишлари жадал усуллар блан олиб борилмоқда. Ҳар иккала заводнинг биринчи навбат қисми шу йилнинг охирида ишга туширилади.

ҚОЗОҒИСТОНДА ЯНГИ ТЕАТР

Қозоғистонда яқинда бун'ёдга келтирилган Темиртов шаҳрида 800 кишига сиғадиган театр қурилди. Театр очилган кунда катта концерт берилди. (ТАСС).

УКРАИНА ССРНИНГ ДАВЛАТ ТАРИХ ҚУТУБХОНАСИ ТИКЛАНМОҚДА

Урушга қадар Украина ССР Давлат тарих кутубхонасида қарийб ярим миллион том китоб бор эди. Гитлерчи йиртқичлар кутубхонани таладилар ва китобларнинг бир қисмини нобуд қилдилар.

Яқинда кутубхонага Германиянинг турли шаҳарларида топилган 7 вагон китоб келтирилди.

Бу китоблар орасида XVI—XVIII асрларда славян тилида босилган 3.000 китоб бор. 1790 йилда нашр қилинган қимматбаҳо тарих луғати, 1783 йилда нашр қилинган «Дун'ёнинг ҳамма ўлкалари бўйлаб қилинган саёҳатлар тарихи» ва бошқа шу каби бирқанча китобларнинг қатни жалб қилади.

Француз тилидаги 6.000 та қимматбаҳо қадимги китоблар ҳам кутубхонага қайтарилди. Булар орасида Вольтернинг 1726 йилда Амстердамда нашр қилинган асарлари — «XII — XVIII асрларга доир дипломатия ҳужжатлари» ва «Людовик XIV нинг тарихи» каби асарлар бор.

Ҳозирги вақтда кутубхонала тарихга доир 18.000 том китоб бор. Йил охиригача китобларнинг сони 45.000 нусҳага етказилади. (ТАСС).

ИККИТА ЮТУҚ ТИРАЖИ

16 августда Москва областидаги Митчино шаҳрида иккита ютуқ тиражи: Учинчи Бешйиллик (биринчи йилги чиқарилиши) Заёминнинг 31-нчи тиражи ва Учинчи Бешйиллик (иккинчи йилги чиқарилиши) Заёминнинг 27-нчи тиражи бўлади.

Учинчи Бешйиллик (биринчи йилги чиқарилиши) Заёминнинг тиражида 76.988.100 сўмлик 457.500 ютуқ ва Учинчи Бешйиллик (иккинчи йилги чиқарилиши) Заёминнинг тиражида 89.325.400 сўмлик 540.200 ютуқ ўйналадн.

Пахтакорлик агротехникаси ва механизацияси юзасидан иккинчи республика кенгаши

15 АВГУСТ ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИС

Эрталабки мажлисда ЎзССР Техника экинлари министри ўртоқ Раҳимовнинг доклади юзасидан музокара бошланди.

Биринчи бўлиб Ленин орденли Бутун Иттифоқ пахтачилик Илмий-текшириш институтининг директори ўртоқ Мальцев сўзга чиқди:

— Гектаридан юз центнер пахта ҳосили олиш ҳаёл эмас, балки ҳақиқатдир, — деди ўртоқ Мальцев. — Пахтадан бундай юқори ҳосил олиш уни озуқа моддалари блан қанчалик тўла та'мин этишимизга боғлиқ. Бизнинг ихтиёримизда кўпдан-кўп ўғит, сув ва машиналар бор. Пахтакорликда миллионларча пахта усталари — ишчи ва хизматчилар ишлайдилар. Мана буларнинг ҳаммаси пахтадан мўл ҳосил етиштиришимиз учун гаровдир.

Юқори ҳосил олиш агротехникасида кузги шудгорлаш катта аҳамиятга эга. Броқ, бу муҳим ишни бажариш учун ба'зибир тўсқинликлар бор. Қўпинча кузги шудгорлаш ишига пахта терилиши ноябрь, декабрь ойигача чўзилиб кетиши тўсқинлик қилади. Бизда шундай бир тушинча ҳосил бўлиб қолганки, гўё пахта октябрь ойида ҳам етилаберар эмиш. Бу нотўғри. Келаси йил ҳосили учун курашни кузлан бошлаш керак. Шунинг учун гўзапоя юлиш ишини ноябрь ойининг биринчи ярмидан бошлаб, шудгорлашни 20 ноябрьдан кечиктирмай ёппасига қизитиб юборишимиз керак.

Гўза даласи ҳаммавақт ўтлардан тоза ва юмшоқ бўлиши керак. Парвариш ишларининг ҳаммаси ўз вақтида ўтказилиб, ер намини сақлашга ва тупроқ орасига ҳавонинг эркин киришига эришмоқ керак. Гўза шундагина яхши ўсади.

Ўртоқ Мальцев гўзани қирқма шаҳмат усулида ишлашнинг аҳамияти ва бу агротехника тадбирини колхозларга ёйишда агрономларнинг вазифалари ҳақида, шунингдек алмашлаб экиш, ма'дан ва маҳаллий ўғитларни аралаш солиш тўғрисида муфассал сўзлади.

Пахтаобод районидаги МТСнинг директори ўртоқ Мусерский ўз районининг пахта планини бажармаслик сабаблари устида тўхтаб, сўнгги йилларда райондаги пахтакор колхозларда қонунга хилоф равишда шоли экиш авж олганлигини айтди. Шу блан бирга, МТСда трактор ишлари плани бажарилса ҳам, иш сифати жуда паст бўлган. Гўза қатор ораларини панжалари тўла ўрнатилмаган культиватор блан юза культивация қилинган.

Ҳозир тракторларнинг ремонти тўғрисида ўйлаш керак, — дейди ўртоқ Мусерский. Ёзги ремонт кўп МТСларда эҳтиёт қисмлар йўқлигидан тўхтаб қолмоқда. Шу яқин кунларда МТСларни эҳтиёт қисмлар блан та'минламасак, кузги шудгорлаш иши хавф остида қолади.

Андижон область, Олтинкўл МТСининг старший агрономи ўртоқ Эгамбердиев МТС штати тўғрисида сўзлаб, штатни тасдиқ этишда бу МТС хизмат этадиган ер майдонининг катталиги ва МТС тракторининг миқдори э'тиборга олиниши керак, дейди. МТС ва район техника экинлари бўлимларининг агрономлари тракторларнинг иш сифатини доимо кузатиб туришлари лозим. Ишни қабул этиб олиш эса, колхоз бригадирларининг иштироки блан бўлиши керак.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири ўртоқ Кудрин кенгаш қатнашчилари олдига Ўзбекистонда 1946 — 1953 йиллар мобайнида пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш ҳақидаги ҳукумат қарорини бажариш блан боғлиқ бўлган бирқатор амалий вазифаларни қўйди.

— Пахта ҳосилини гектаридан 25 центнергача кўпайтириш учун, — деди ўртоқ Кудрин, — йил сайин ҳосилни гектарига 2-3 центнер ошириб бориш керак. Ҳолбуки, урушдан илгариги ўн йил ичида пахта ҳосилининг ҳар йилги ўсиши 1 центнердан эди. Шу блан бирга пахтачиликка сарф этиладиган меҳнатни тежашимиз керак. Чунки биз республикамиздаги суғориладиган ер майдонини кўпайтириб, алмашлаб экиш усулини тўла равишда амалга оширмоқчимиз. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам тинмай ривожлантирмоқчимиз.

Бу масалаларни ҳал этиш қўлимиздан келадими, деган саволга ўртоқ Кудрин шундай жавоб берди: бу масалаларни ҳал эта оламиз. Чунки республикамизда йил сайин суғориш шохобчалари кўпаймоқда. Қишлоқ хўжалигимиз янги машиналар блан та'минланган. Иккинчидан, республикамизда йилдан-йилга пахта ҳосилини ошираётган юзларча ажойиб пахта усталари етишмоқда.

Ўртоқ Кудрин гўза ерларининг унумдорлигини оширадиган чоралар — алмашлаб экиш, чигит экиш олдидан ерни ишлаш, экиш муддати, қатор ораларини ишлаш каби муҳим масалалар ҳақида гапирди.

Сурхондар'ё область техника экинлари бўлимининг бошлиғи ўртоқ Истомин, сўнгги йилларда Сурхондар'ё областида қолоқ колхозларга кам э'тибор берилаётир, деди. Бунинг натижасида ўтган йил областьда 120 колхоз пахта топшириш планини бажармади.

— Бизда мўл ҳосил олаётган илғор колхоз, бригада ва звеноларнинг оз эмас. Буларнинг тажрибаларини оммалаштириш блан бирга, қолоқ колхозларнинг кам ҳосил олиш сабабларини текшириб, буларни ҳам илғорлар қаторига ўтказиш керак.

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори ўртоқ Нагибин қуйидагиларни айтди:

— Пахта ҳосилини ошириш масаласи колхозларда пахта-беда алмашлаб экиш усулини жорий этиш, ўғитдан тўғри фойдаланиш, гўза парваришини ва пахта теримини машиналаштириш йўли блан ҳал этилади. Бизнинг вазифамиз гўзанинг ўсиш даврини қисқартиришдир. Гўза ёш даврида тез ўсиши учун ер бетидаги қатқалоқни йўқотиш керак. Чигит экилган қаторларга гўнг ва майда кўмир сепиб, ер ҳароратини ошириш каби чораларга э'тибор этмоқ керак. Гўзанинг сўнгги ўсиш даврида унинг ўсиш муддатини қисқартириш учун кейинги суғориш муддатларига аҳамият бериш зарур.

Янгийўл районидаги Каганович номли колхознинг раиси ўртоқ Ҳамроқул Турсунқулов бундай деди:

— 1934—1935 йилларда бизнинг колхоз ҳар гектардан 5—6 центнер пахта олар эди. Биз шу райондаги Механизация станциясининг агрономлари раҳбарлиги остида пахтачилик ишини машиналаштира бошладик. Биринчи навбатда ерни трактор блан ҳайдашга, чигитни сеялка блан экишга киришдик. Сўнгра, гўза парваришида қирқма шаҳмат усулини қўлландик. Натижада ўртача ҳар гектардан 25 центнердан пахта ола бошладик.

Қирқма шаҳмат усулида ишлат кўп. Бу усулни йил сайин кўпроқ қўллана бошладик. Бунинг натижасида қўл кучи анча кам сарф бўлади, пахта ҳосили кўпаяди. Ўтган йил пахта майдонимизнинг ҳар гектаридан 46.5 центнердан ҳосил олдик.

Бизнинг вазифамиз пахтачиликни тағин ҳам кўпроқ машиналаштириб, айниқса ўғит солиш, гўзапоя юлиш, пахта териш каби ишларни тезда машиналаштиришга ўтишимиз керак.

Союз НИХИ Марказий мелиорация станциясининг директори ўртоқ Кабаев қуйидагиларни айтди:

— Мирзачўл райони сўнгги йилларда урушдан илгариги йилларга қараганда анча кам ҳосил ола бошлади, чунки бу районда зовур ва коллекторлар тозаланмай, ер ости сувлари кўтарилди. Натижада ернинг шўри кўпайди.

Шўр ерларни тозалашда кузги шудгор, айниқса яхши натижа берди. Оз шўрли ерни сўнгги пахта терими олдидан ювиб, гўзапояни юлиш блан шудгорлаш мумкин.

Шўр ерларга дарахт экиш катта фойда беради. Дарахт зовур ва коллекторларнинг тоза ҳолда сақланишига ва ер ости сувларининг чуқур жойланишига сабаб бўлади.

Ернинг шўрлигини пасайтиришда беда экиш ҳам катта аҳамиятга эга.

15 АВГУСТ КЕЧКИ МАЖЛИС

15 август кечки мажлисда биринчи бўлиб сўзга чиққан ЎзССР Ер ишлари министри ўртоқ Муҳаммаджонов шундай деди:

— Ҳарбир колхоз пахтачиликни муваффақият блан тиклаб, ўз олдига қўйилган ҳосил планини бажара олиши учун қишлоқ хўжалигининг бедачилик, чорвачилик, ипакчилик, боғ ва токзорлик каби бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириши керак.

Ўзбекистонда энг илғор колхозлардан бири бўлган Янгийўл районидаги Каганович номли колхознинг катта ютуққа эга бўлишига сабаб шуки, бу колхоз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини баравар тараққий этдирди. Бу колхозда суғориладиган ерининг 56 процента гўза, 26 процента беда, 12 процента галла, 3,5 процента сабзавот экинларидан иборат. Чорвачилик ҳам етарли даражада ривожлантирилган.

Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз ҳам илғорлардан ҳисобланади. Чунки бу колхоз хўжалик тармоқларининг барчасини ривожлантиришга эришди. Шунинг учун ҳам бу колхоз а'золари ўтган йили ҳар меҳнат кунига пул даромадидан ташқари яна 3 килограммдан галла, 3 килограммдан сабзавот ва бир ярим килограммдан картошка олдилар.

Броқ, республикамиздаги колхозларимизнинг 60 процентида боғ йўқ. Кўп колхозлар сабзавот-картошка экинларини экмайдилар.

Деҳқончиликда, айниқса пахтачиликни ривожлантиришда алмашлаб экиш усулини амалга ошириш масаласи жуда муҳим. Аммо агрономларимиз бу масалага юзаки қарайдилар. 1946 йил плани бўйича Ўзбекистонлаги 600 колхозда алмашлаб экиш жорий этилиши керак эди. Ҳақиқатда эса 1 августгача 320 колхозда гина бу чора амалга оширилди. Агротехниканинг бу усули айниқса Сурхондар'ё, Қашқадар'ё, Самарқанд, Бухоро областьларида кам қўлланилади.

Алмашлаб экиш усулини жорий этиш блан бирга, бу усулнинг бузилмаслигига э'тибор этиш керак. Кўп колхозларда алмашлаб экиш усулини бузиб юборадилар. 1946 йилда, алмашлаб экиш жорий этилган 260 колхоз текшириб чиқилди. Натижада бу усулнинг 76 колхозда гина тўғри амалга оширилганлиги аниқланди.

Бизда бедачилик иши ҳам ёмон аҳволда. Яқинда ўтказилган текшириш Ўзбекистонлаги болаларнинг план бўйича 328 минг гектар ўрнига 250 минг гектар бўлиб қолганлигини кўрсатди. Бунга сабаб шуки, айрим колхозлар бедапояни кўп бузиб, янги беда экмайдилар. Энди куз ва келаси йил кўкламида беда экишни кучайтириб, беда майдони тўғрисидаги етишмовчиликни йўқотмоқ керак.

Пахтакорликда чорвачиликнинг аҳамияти жуда катта. Пахтакорлик ҳарқанча кўп машиналаштирилса ҳам, иш ҳайвонларига бўлган эҳтиёж асло камаймайди. Ма'дан ўғит ҳарқанча кўп бўлса ҳам гўнг солмай туриб, пахта ерининг унумдорлигини етарли даражада кўтариб бўлмайди.

Пахта ҳосилини кўтаришда гўнгнинг катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай, бизда гўнгни тежаш ва уни тўғри сақлаш ишларига э'тибор берилмайди. Ҳатто ба'зи колхозларда ёз кунлари қуруқ гўнгни гўза қатор ораларига соладилар. Бу бутунлай нотўғри. Гўнг гўзага фойдали бўлиши учун у яхши чириган бўлиши шарт.

Шунинг учун ҳарбир колхозда гўнгхона бўлиб, у яхшилаб чиритилиши керак. Броқ, колхозларимизнинг 90 процентида тегишли тартибда қурилган гўнгхона йўқ.

Наманган районидаги Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ Убайдуллаев ўз колхозининг пахтачилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари ва бу ютуққа сабаб бўлган воситалар тўғрисида сўзлади. Биз, — деди ўртоқ Убайдуллаев, — чигитни анча эрта — 3—12 апрельдаёқ экиб тугатамиз ва кетма-кет гўза қатор ораларини ишлашга ўтамиз. Гўзанинг айниқса ёшлик даврида тез ва бақувват ўсишига аҳамият берамиз. Натижада, гўза барвақт ҳосилга киради. Пахта эрта очилади. Пахта теримини ҳам анча эрта тамомлаб, ерни кузда юқори сифат блан яхши шудгорлаймиз. Гўзадан юқори ҳосил олишимизнинг сири ана шунда.

Илгари ҳарбир колхозда ҳосилот совети бўлар эди. Ҳосилот советининг 7-10 кишидан иборат тажрибакор а'золари колхозда катта етакчи куч эди. Кейинги йилларда ҳосилот совети йўқ бўлиб кетди. Буни қайтадан тиклаш керак.

СССР Техника экинлари министрлигининг контроль-уруғчилик станцияси директорининг ўринбосари ўртоқ Галицинский бундай деди:

— Пахта ерини қачон ва неча марта ҳайдаш бизда жанжалли масаладир. Менимча, — дейди ўртоқ Галицинский — бир ҳайдабми, ёки 3-4 ҳайдабми, ҳар ҳолда, бу ерда асосий масала ернинг сер тупроқ, чигит экиш учун яхши пишиган бўлиши шарт.

Гўзадан энг юқори ҳосил олинган 1939-1940 йилларда агротехника қоидаларининг юқори сифат блан ўтишига агрономлар кўз-қулоқ бўлиб турар эдилар. Кейинги йилларда эса бу иш жуда бўшашиб кетди.

Колхоз деҳқончилигида агроном ташкилотчи ва барча агротехника тадбирларини тўғри қўлланишда асосий раҳбар бўлиши керак.

Агротехникада энг муҳим чоралардан бири гўзани қирқма шаҳмат усулида ишлашдир. Бу янги ва жуда фойдали усулни борган сари гўза парваришида кенг қўлланиш керак эди. Афсуски, бу усул жуда секинлик блан амалга оширилмоқда.

Андижон область техника экинлари бўлимининг бош агрономи ўртоқ Молчанов агрономларнинг колхоздаги вазифалари тўғрисида тўхтаб, область ва район ташкилотларининг раҳбарлари агрономларнинг ишларига аралашиб ба'зан агротехникага хилоф кўрсатмалар бериб қўядилар, у блан агрономнинг обрўсини ҳам туширадилар, деди.

Мирзачўл район техника экинлари бўлимининг бош агрономи Бадатский шўрҳоқ ерда пахтакорлик ишларининг алоҳида хусусиятга эгалиги тўғрисида сўзлади.

Союз НИХИ Марказий селекция станциясининг старший илмий ходими ўртоқ Автономов шундай деди:

— Биз американ пахтага катта э'тибор бериш блан бирга, миср пахтачилигини ҳам ривожлантиришга эришмоғимиз керак. Ҳозирги вақтда юқори ҳосил берадиган ва фузариоз вилт касали блан оғримайлиган янги нав' миср гўзалар бор. Бу нав'лар келаси йил Наманган, Сурхондар'ё ва Бухоро областьларида экилади.

Ўртоқ Автономов миср гўзасининг агротехникаси тўғрисида қисқача тўхтаб, шу яқин орада миср пахтасининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олишга эришмоқ керак, — дейди.

Шу блан 15 август кечки мажлиси ёпилди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЎзК(б)П САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ЎзК(б)П Самарқанд обкомининг ғазбатдаги XX пленуми бўлди. Пленум, қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига ва колхоз жамоат мулкини талон-тарож қилишга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида ЎзК(б)П Самарқанд область комитетининг секретари ўртоқ Н. Маҳмуровнинг докладини муҳокама қилди.

Самарқанд область колхозчилари, деҳқонлари Улуғ Ватан уруши йилларида колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Мамлакатга ва фронтга катта ёрдам бердилар.

Лекин, кейинги йилларда маҳаллий партия ташкилотлари колхозларга раҳбарликни бўшаштириб қўйганликлари натижасида областьдаги кўпгина колхозларда қишлоқ хўжалик артелининг Устави қўпол равишда бузилди. Колхоз а'золарининг ҳалол меҳнатлари натижасида бун'ёдга келган мол-мулклар талон-тарож қилинди.

Партия ва совет ташкилотлари, ер органларининг ишларидаги асосий хатолардан бири, колхоз жамоат ерларининг талон-тарож қилинишига, алоқаси бўлмаган айрим шахслар ва ташкилотлар томонидан колхоз ерларининг эгалланишига йўл қўйилишидир. Масалан: областьда 15.931 хўжаликнинг томорқа ерлари нормадан ошиқ экани аниқланди. Ердан фойдаланиш қоидалари Жиззах, Пойариқ, Оқдар'ё ва бошқа районларда бузилган, чунончи, Жиззах районида текширишдан ўтказилган колхоз хўжалигининг 39 процентида томорқа ери нормадан ошиқ эканлиги аниқланди. Хатирчи районилнг «Пахтакор» колхозида 121 гектар ер ошиқча томорқага берилган. Шу колхознинг раиси Умаров 5 гектарча ерни ўзига томорқа қилиб олган. Айрим районларда (айниқса баҳорикор районларда) қишлоқ хўжалик артелининг Устави шахсий хўжаликлари молларнинг сонини кўпайтириш йўли блан бузилган. Жиззах район «Қаҳдамон» колхози раиси Бердиёровнинг 100 дан ошиқ қўйи, 4 та қора моли бўлган. Зомин район «Коммуна» колхозининг бригада бошлиғи Султоновнинг хўжалигида 5 сигир, 2 оғи бўлиб, қўй-эчкилари эса 50 дан ошган. Колхоз Уставини бузаётганлар орасида кўпгина колхоз раислари, бошланғич партия ташкилотлари секретарьлари блан бирликда ба'зи район раҳбарлари ҳам бор. Чунончи, Оқдар'ё райкомининг кадрлар бўйича секретари Бўроков, Метон район техника экинлари бўлимининг бошлиғи Давидов, Пойариқ район сув хўжалиги идорасининг бошлиғи Холиқов ва бошқалар колхозларнинг ерларига колхоз кучи блан экин экдириб олган бўлсалар ҳам район партия ташкилоти бу тўғрида бирор чора кўрмаган.

Кўпгина колхозларда молия интизоми бузилганидан дебитор қарзлар область бўйича 36 миллион сўмдан ошди. Айрим район партия ва совет ташкилотлари, ер органларининг раҳбарлари қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига қарши кураш ўрнига ўзлари Уставни бузганлар. Масалан, Жомбой райкоми район марказида клуб биноси қуриш учун колхозлардан 200 минг сўмдан ошиқроқ пул йиғди. Митон райжрокомининг собиқ раиси Худойқулов турли баҳоналар қилиб, колхозлардан 50—60 минг сўм пул йиғиб олди. ЎзЛКСМ райкомининг секретари Бобомуродов, Оқдар'ё райкомининг секретари Сатторов ўртоқлар колхозлардан қонунга хилоф суратда пул ва озиқ-овқатлар олиб келганлар. Кўп маблағларнинг нотўғри ҳаражат қилинганлиги орқасида Уставда кўрсатилган 60—65 процент ўрнига 1945 йилда Самарқанд областидаги колхозларда умумий даромаднинг фақат 32 процента меҳнат кунларига тақсим қилинган.

Самарқанд областининг кўп районларида колхоз демократияси қўпол равишда бузилган. Колхоз правлениялари, колхоз раислари ўз ишларидан колхозчиларга тез-тез ҳисобот бермайдилар. Бундан ташқари Жомбой, Жиззах, Пойариқ, Хатирчи ва бошқа район партия, совет ташкилотлари колхоз раисини ва бошқа раҳбарларни ўз хоҳишларига қараб ўзгартираберадилар. Шу йилнинг бошидан бери областьда 252 колхознинг раиси ишдан олинган.

Доклад юзасидан музокарада қатнашган Фориш райкомининг секретари ўртоқ Жўраев бундай деди:

— ЎзК(б)П Марказий Комитетининг 16 июльдаги қарори районимизнинг ҳамма колхозларида муҳокама қилинди. Ҳозир биз колхоз қурилишига раҳбарлик соҳасида йўл қўйилган жиддий хатоларни тузатмоқдамиз. Район колхозларида айрим шахслар томонидан талон-тарож қилинган 130 қорамол, 18 от, 500 қўй, эчки, 141 минг сўм пул колхозларга қайтариб берилди. Ҳозир дебитор қарзларни тугатмоқдамиз.

Область прокурори ўртоқ Зютин ўз сўзида Митон ва Жомбой район партия комитетларининг колхозларга раҳбарлик ишларидаги ма'муриятчилик усулларини қаттиқ танқид қилди. Зомин райкомининг секретари ўртоқ Умрзоқов, ЎзК(б)П обкомининг секретари ўртоқ Рашидов, колхоз кадрларини тарбиялашда йўл қўйилган хатолар ҳақида сўзладилар.

★ ★ ★

Пленумда Самарқанд областининг колхоз ва совхозларида ғалла ўрим-йиғимининг бориши ва давлатга ғалла топшириш ҳақида область ижрокомининг раиси ўртоқ Ортиқов доклад қилди.

Самарқанд областида ғалла ўрим-йиғими, давлатга ғалла топшириш кечирилмаслик даражада бўш бормоқда. 5 августгача 73 процент ердаги ғалла ўрилиб, давлат мажбурияти 30 процент бажарилган, холос. Судралишнинг асосий сабаби район партия ва совет ташкилотлари, тайёрлов органларининг ғалла тайёрлашга большевиқча раҳбарлик қилмаслигидир.

Ғалла тайёрлашда Нурота, Хатирчи, Каттақўрғон, Жиззах районлари айниқса орқада қолмоқда. Шунинг учун ҳам пленумда «олдин тўза чопиги блан шуғулландик, энди ғалламизни ўрамиз» деган Хатирчи райкомининг секретари ўртоқ Болосанов, «Ғалла планини кечки экинлар ҳисобига бажарамиз» деган Нурота райкомининг секретари ўртоқ Нурматовлар қаттиқ танқид қилинди. Ваҳолонки, бу районларнинг ҳар қайсисида 10 минг гектардан ўрилмаган ғалла бор. Нурота район раҳбарлари бу ғаллани ўриш ва янчишни ташкил этиш ўрнига, кечки экинларнинг пишишини кутмоқдалар. Хатирчи район партия комитетининг секретари ўртоқ Болосанов эса, ғалламиз сийрак деб комбайнлар блан ўришни тўхтатиб қўйган. Шунинг учун ҳам Хатирчи район 1-нчи МТС комбайнлар блан ғалла ўриш планини 27 процент бажарди.

Самарқанд областида комбайн блан ғалла ўришга тегишли э'тибор бермайдилар. Июль ойида Самарқанд областидаги МТСларда қомбайнлар 1.200 марта тўхтаб бузилиб турган. Техника экинлари бўлимига қарашли МТСда 100 комбайн ғалла ўримига мутлақо ишлатилмайди.

Пленум ғалла тайёрлаш сур'атини кучайтириш — Самарқанд область партия ташкилотларининг асосий вазифаси эканини кўрсатиб, бу соҳала жиддий бурилиш ясашни талаб қилди.

Партия қаторларини ўстириш, ВКП(б)га янги қабул қилинган коммунистлар ўртасида спёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш чоралари ҳақида область партия комитетининг секретари ўртоқ Бобковнинг доклади муҳокама қилинди.

Пленумда Наманган областидан келган ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи ўртоқ Ерзин, Самарқанд колхозларида мусобақа шартлари ёмон бажарилаётганлиги ҳақида сўзлаб, ғўза қатор оралари ни ишлашдаги хатоларни тузатиш учун тошпилнч чоралар кўриш кераклигини айтди.

★ ★ ★

Пленум ишларида ЎзК(б)П Марказий Комитетининг секретарьлари Ломакин ва Ваҳобов ўртоқлар қатнашди. Ўртоқ Ломакин пленумда сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалик артели Уставини бузишга қарши курашни кучайтириш, колхозларни ташкилий хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, пахта йиғим-теримига тайёрликни кучайтириш, ғалла тайёрлашни тезлатиш чоралари ҳақида батафсил гапирди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Пленум ўртоқ Бобковни ЎзК(б)П область комитетининг иккинчи секретари, ўртоқ Орзи Маҳмудовни ЎзК(б)П область комитетининг учинчи секретари қилиб сайлади.

ЎзК(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИНИ ТЎЛА БАЖАРАМИЗ

Қува райони Фарғона областининг асосий пахтакор районларидан бири ҳисобланади. Шунга қарамай районимиз бирнеча йиллардан буён пахта тайёрлаш планини бажаролмаётир. Ўтган йили районнинг 65 колхозидан 36 таси мамлакатдан қарздор бўлиб қолди.

ЎзК(б)П Марказий Комитети районимиз ҳақида махсус қарор чиқариб, бизни шу тўғрида огоҳлантирди. Марказий Комитетнинг қарори райкомнинг махсус пленумида муҳокама қилинди. Пленум, қарорида кўрсатилган барча камчиликларни тез орада тугатиш юзасидан бирмунча чоралар белгилади. Ана шу пленумнинг қарорига кўра, Марказий Комитетнинг қарори ҳамма бошланғич ташкилотларда ишлаб чиқилди. Бошланғич партия ташкилотларида ўз-ўзни танқид шиори остида ўтган мажлисларида сўзга чиққан коммунистлар Марказий Комитетнинг қарорини ма'қуллаб гапирдилар.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг қарори Қува район комитетининг ишида асосий программа бўлиб қолди. Марказий Комитетнинг қарорига мувофиқ районда бошланғич партия ташкилотлари секретарьларининг семинари ташкил этилди, ҳозир ҳар ойда икки бор машғулот ўтказилмоқда. Жойлардаги коммунистлар учун тўрт жойда спёсий мактаб, олти жойда спёсий тўгарак ташкил этилди. Бунда 200 га яқин кишининг иштироки блан машғулотлар мунтазам давом қилаётир. Райком ҳузуридаги партия-совет активларининг мактаби узлуксиз давом қилмоқда. Бундан ташқари, районда саводсиз ва чаласавод коммунистларни саводхон қилиш учун 10 синф мактаб очилиб, 120 киши ўқитилаётир.

Марказий Комитетнинг қарорида партияга янги а'золар қабул қилиш ишларининг қониқарсиз аҳволдалиги алоҳида кўрсатиб ўтилган эди. Райком бу масалага ҳам э'тиборни кучайтириб, июнь ва июль ойларида 39 кишини ВКП(б) а'зо ва кандидатлигига қабул қилди. Районимизда партия қаторларининг энг яхши кишилар ҳисобига ўсиши, колхоз бошланғич ташкилотларининг кўпайишига ҳам имкон бермоқда. Сўнгги 2 ой ичида Янги қишлоқ советидаги Сталинобод, Бирлик қишлоқ советидаги «Бирлик», «Намуна» ва Куйбишев қишлоқ советидаги «Шўро» колхозлари ҳузурида янгидан бошланғич партия ташкилотлари тузилди.

Колхоз бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш мақсадида райкомнинг ташкилот инструкторлик бўлими ишчан коммунистлар блан мустаҳкамланди. Асосий диққат ёш коммунистларни спёсий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаш масалаларига қаратилди. Райкомнинг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлики кучайтирилганлиги кейин бошланғич партия ташкилотларида жиддий бурилиш бўлганлиги кўрилмоқда. Карл Маркс қишлоқ советидаги Энгельс номли, Байналмилал қишлоқ советидаги Молотов номли ва Октябрь қишлоқ советидаги «Октябрь» колхоз бошланғич партия ташкилотларининг ишларини мисолга олса бўлади. Бу ташкилотлар колхозчилар ўртасида спёсий-оммавий ишларни жонлантириш блан колхоз правленияларининг иши устидан контрольликни ҳам амалга оширмоқдалар. Энгельс номли колхоз бошланғич партия ташкилоти июнь ва июль ойлари давомида ғўза қатор ораларини ишлаш, чорва учун ем-хашак тайёрлаш ишларининг бориши юзасидан уч марта правления раисининг ҳисобини эшитди. Партия ташкилоти муҳокама қилган масала юзасидан колхоз правленияси ва тегишли йўл-йўриқлар кўрсатиб берди. Натижада колхоз ғўза қатор ораларини ишлаш сур'атини кескин тезлатиб 275 гектар ердаги ғўзаларини тўрт чопиқ, 5 культивация ва 5-нчи марта суғоришдан чиқарди. Ем-хашак тайёрлаш ишларида ҳам кўзга кўринарли натижаларга эришдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, Қува райкомининг ишида эришилган бу муваффақиятлар ҳа қаноатлантирарли эмас. Ҳали ишимизда бирмунча жиддий камчиликлар бор. Кўп колхоз бошланғич партия ташкилотлари ҳозиргача ўз ишларини қайта қуриб олган эмаслар. Райкомнинг яқинда бўлган бюро йиғилишида Куйбишев қишлоқ советидаги «Коммуна» ва Юсупов номли колхоз бошланғич партия ташкилотларининг иши муҳокама қилинди. Бу бошланғич ташкилотлар колхоз правленияларининг иши устидан етарли контрольлик қилмаётганликлари ма'лум бўлди. «Коммуна» колхоз бошланғич партия ташкилотининг колхоз ишлабчиқариши блан шуғулланмаганлиги натижасида ғўза қатор ораларида ишлаш кечикмоқда. Колхознинг 105 гектар ердаги ғўзалари ҳалигача қадар учинчи ишловдан ҳам чиқарилмаган. Колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Назаров) коммунистларнинг спёсий ўқувини жонлантириш учун ҳаракат қилмаётир. Коммунистлар ўртасида спёсий-тарбиявий ишлар ниҳоят бўш қўйилган.

Юсупов номли колхоз бошланғич партия ташкилотида ҳам аҳвол яхшиланган эмас. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Мелиев райкомнинг бирнеча бор берган кўрсатмаларига қарамай, Марказий Комитетнинг қароридан кейин ҳам партия йиғилишларини вақт-вақтида ўтказмаётир. Бунинг устига партия ташкилоти партияга қабул қилинган кишиларнинг материалларини 4-5 ойлаб райкомга юбормаган. Ўртоқ Мелиев колхоз ҳосилот советининг раиси ҳам бўлиб ишлади. Лекин у колхозда коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга, спёсий ташкилий ишларни яхши йўлга қўйиб, ғўза парваришини кучайтириш ишларига э'тибор бермайди. Райком бюроси «Коммуна» колхоз бошланғич партия ташкилоти секретари Назаровни ва Юсупов номли колхоз бошланғич партия ташкилоти секретари Мелиевни ўз ишларини ҳалигача қайта қурмаганликлари ва ғўза парваришига етарли раҳбарликни та'минламаётганликлари учун қаттиқ огоҳлантирди ва, партия ташкилотларида ички ва ташкилий партиявий ишларни яхшилаш тадбирларини белгилаб берди.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг қарорини тўла амалга ошириб, колхоз бошланғич партия ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаб, колхоз ишлабчиқаришида уларнинг ташкилотчилик ва раҳбарлик ролини оширамиз. Шундай қилиб, бу йил Қува районини қолоқликдан чиқариш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Қува районининг партияли ва партиясиз большевиклари, пахтачиликни юксалтириш ва ривожлантириш сталинча программасини тўла бажаражаклар.

К. КОМИЛОВ.

Фарғона область, Қува район партия комитетининг секретари.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

Фарғона Давлат Педагогика институтида

Молотов номли Фарғона Давлат педагогика ва ўқитучилар институтини ўтган ўқув йилида 57 киши тамомлаб чиқди. Бу кадрлар республикамизнинг областьларига жўнаб кетдилар

Бу йил институтга 230 та янги студент қабул қилиниши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ 220 тача ариза тушди, яна тайёрлов группасидан ўрта ма'лумотли ўқучилар олинади.

Институтга кируучилар учун консультацияялар уюштирилган. Химия ўқитучиси Изранлов, тарих ўқитучиси Араббоев, рус тили ўқитучиси Мирочник ўртоқлар янги студентларга катта ёрдам бермоқдалар. Институтнинг Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Наби Мирзаев, Тоҳиров, Хўжаев каби собиқ студентлари яна ўқишга келдилар.

Институт қошидаги қисқа муддатли курсда 150 киши ўқимоқда. Булар X синфдан келиб, ўрта мактабда ўқитилмай қолган айрим дарслардан та'лим олмоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, студентлар ошхонаси ёмон ишлаётир. Бунда муайян тартиб йўқ.

Бу камчиликлар имтиҳонларга анча халақит бермоқда. Буларни тезлан йўқотиш лозим, чунки имтиҳонлар эрта-индин тугаб, ўқиш бошланишига оз вақт қолди.

Х. РУСТАМОВ.

ПАХТАОБОД МАКТАБЛАРИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР

Андижон область Пахтаобод районидаги колхозлар мактабларни барвақт ремонтдан чиқариш учун халқ маориф органларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Маданият қишлоқ советидаги «Коммуна» колхозининг а'золари 600 бола ўқиётган ўрта мактаб ремонтини тамомлаб, яна икки хонали омбор ҳам солиб бердилар. Колхозчи ёшлар ташаббуси блан 60 кубометр ўтин жамгарилди. Ремонт ишига қишлоқ советининг раиси ўртоқ Усмонов яхши ёрдам берди. Уйғур қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг (раиси ўртоқ Олим Қурбонов) а'золари 9 ва 10-нчи мактабларга ёрдам бердилар. Мактабга электр чироғлари ҳам ўтказилди. Умуман, райондаги 23 мактабдан 20 тасида мактаб ремонти тамомланди ва уларни комиссия қабул қилиб олди. Районда қиш учун 648 кубометр ўтин тайёрланди.

Пахтаобод районининг меҳнаткашлари мактабларни 1 сентябрьгача тамомила тайёр ҳолга келтирадилар.

Q. ВАЛИЕВ.

ЎзССРда хизмат кўрсатган ўқитучи.

«ПИОНЕР» КИНОЖУРНАЛИ

Тошкент кинохроника студияси болалар учун «Пионер» деган киножурнал чиқара бошлади. Журналнинг биринчи сони ишланиб бўлди. Бу сонда Сталин номидаги Марказий пионерлар саройи, Самарқандидаги болалар тасвирий san'at мактаби, Ворошилов номли болалар санаторияси ҳузурида ишлаётган тўгаракларнинг иши, ёш сайёҳларнинг Чимганга қилган юриши кўрсатилган. Киножурналнинг режиссёри Б. Вейланд, операторлари Т. Сода ва Н. Рядов.

«Пионер» киножурнали ойда бир марта чиқади. Бу—иттифоқчи республикаларда биринчи болалар киножурналидир. (ЎзТАГ).

КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ ЗАВОДИ НЕГА КЕЙИНДА ҚОЛМОҚДА?

Миколи номли Каттақўрғон ёғ —экстракт заводи икки-уч йилдан бери ишлабчиқариш планини бажаролмайди. Завод коллективи бу йил ҳам ёмон ишлаётир. Қолоқликка кўникиб қолган бу завод ярим йиллик планини бажаролмай, давлатдан мингларча тонна ёғ қарздор бўлиб қолди.

Заводда ишлабчиқариш планини бажариш учун имконият йўқми? Аслда бундай эмас. Планни бажариш имкониятини кўрсатиб ўтайлик: Апрель ойида заводнинг барча цех ва сменаларида май ойи мусобақаси қизиб кетди. Завод партия, комсомол ва профсоюз ташкилотлари ишчилар орасида эммавий-спёсий ишларни кучайтирдилар. Завод апрель ойи ишлабчиқариш планини 105 процент бажарди.

Демак, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ишлабчиқаришга астойдил раҳбарлик қилинса, планни бажариш мумкин экан. Бироқ, завод раҳбарлари (вақтинча директори Голустов, партия ташкилотининг секретари Машевский, завком раиси Михайлов ўртоқлар) апрель ойида эришилган ютуқни мустаҳкамлаб қола олмадилар. Ишлабчиқаришга раҳбарлик яна эски усулда қолдирилди. Ана шунинг натижасида кейинги уч ойлик план бажарилмади. Июль ойи ёғ ишлабчиқариш плани 77,6 процент бажарилди. Завод коллективи Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнат унумини 10 процент ошириш, ёқилғини 6 процент тежаш, янги ишчилар тайёрлаш ва бошқа мажбуриятлар олган эди. Бу мажбуриятлар бажарилмаётир.

Заводда меҳнат интизоми жуда бўш, прогулчиликка қарши қат'ий курош йўқ. 1946 йилнинг 6 ойи давомида 171 киши турли баҳона блан ишдан бўшатилган. 25 киши ўз-ўзидан кетиб қолган. Заводнинг чигит тозалайдиган цехига кирдик. Цех бошлиғи ўртоқ Тошпўлатов, танаффус вақти бўлмаса ҳам, қаёққадир кетиб қолган. Уруғлик чигит — машиналар ва галвирлар атрофида тўкилиб-сочилиб ётипти. Цехла навбатчи ҳам йўқ экан. Заводда меҳнат интизомини бузиш ҳоллари бор. Аммо бунга қарши чора кўрилмаётир.

Тайёрлов цехи чигит ёки зигирни тозалаш цехидан қабул қилиб, уни майдалайди, янчади. Цехда кўпгина мураккаб машиналар бор. Лекин, цехда ўрнатилган машина ва ускуналарнинг майда ремонти ўз вақтида бажарилмайди. Натижада машина ва ускуналарнинг бузилиш ҳоллари кўпдаб юз бераётир. Масалан, 1 август куни тайёрлов цехига чигит етказиб берадиган қувир бузилиб, цех 3 соат бекор турди. Бундай ҳоллар ҳар куни деярлик бўлиб туради. Шунинг орқасида суткасига 300 тонна ўрнига, фақат 200—250 тонна чигит тозалаб ва майдалаб берилаётир. Тайёрлаш ва тозалаш цехларининг унумсиз ишлаши туфайли экстракт цехи ҳам смена ва бир кунлик топшириқни бажараолмайди.

Завод директори ўртоқ Голустов ишчи кучи, малакали кадрлар ва ёқилғи етишмайди, деб нолийди. Бу—бутунлай асоссиздир. Заводда чигит ва зигир кўп. Бундан ташқари, ҳар куни вагон блан чигит келиб турипти. Ишчи кучига ҳам эҳтиёж кам. Завод қошида малакали кадрлар тайёрлайдиган ФЗТ бор. Бунда ёшлардан 79 киши 5—6 ойдан буён та'лим олмоқда. Агар завод раҳбарлари мактабга яхши э'тибор берса, кадрларга муҳтожлик бўлмаслиги ма'лум. Лекин, ҳунар мактабига диққат қилинмаётир. Мактаб учун алоҳида ошхона йўқ.

Ёғ заводида ёқилғини тежаш йўқ. Аксинча, ёқилғи ортиқча ҳаражат қилинаётир. Чунончи, шу йилнинг бошидан бўён 236 тонна бензин ошиқча ҳаражат қилинган.

Каттақўрғон ёғ заводида илғорларнинг тажрибасини ёйиш, стахановчилик ҳаракатини кучайтириш, иҳтиро'чиларга бошчилик қилиш ҳам унутилган. Завод директори ўртоқ Голустовга, иҳтиро'чилар қандай таклифлар киргизди деганимизда, у «буни завод касаба комитети билади», деб жавоб қайтарди. Завод касаба комитети раиси Михайлов эса, бу ишдан хабарсиз эканлигини айтди.

Апрель ойида заводда 295 та стахановчи бор эди, ҳозир 250га тушиб қолган.

Каттақўрғон шаҳар партия ва совет ташкилотлари заводнинг қолоқлигига чидаб келмоқдалар. Шаҳар партия комитетининг бюроси шу йилнинг биринчи ярмида заводнинг иши ҳақида 9 бор қарор чиқариш блан қаноатланган, қарор чиқарилгандан кейин заводнинг аҳволи блан қизиқмаган.

Л. ЭРГАШЕВ.

Озокерит конларининг илғорлари

Фарғона Озокерит бошқармасига қарашли корхона ва конларда сталинча беш йиллликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақа ўз самаралари берадиётир. Ўртоқ Рудакова директор бўлган нефть тозалаш заводи август ойининг дастлабки кунларида асфальт ишлабчиқариш йиллик планини муддатидан аввал бажариб, пландан ташқари махсулот бера бошлади.

Бу бошқарманинг ҳамма корхоналарида 10 августга қадар геологик қидирув-текширув ишларининг бир йиллик программаси 90 процент, Мойлисой конида эса 156 процент бажарилди.

Шўрсувдаги озокерит кони йиллик планини муддатидан аввал бажариб қўйди. Бу конда социалистик мусобақага қўшилмаган биронта кончи қолган эмас. Мусобақа натижалари тез-тез текшириб турилади. Кондаги 27 коммунист ва 15 комсомол ўзаро социалистик мусобақа ташаббускори бўлдилар. Кончилардан Тоштемиров, Рустамов, Қосимов, Алимов, Зайниддинов, комсомол Эргашев, коммунистлардан Ҳамидов ва Дўсматов ўртоқлар унумли меҳнатлари блан ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Натижада, бу кон давлат топшириғини май ойида 115 процент, июнь ойида 134 процент, июль ойида 139 процент бажарди ва август ойининг биринчи ўн кунида ярим ойлик планини бажариб қўйди.

Социалистик мусобақанинг кенгайиб кетиши натижасида кончилар орасида кўпгина қобилиятли ташкилотчилар борлиги аниқланди ва улар раҳбар ўринларга кўтарилди. Яқиндагина шахта бошлиғи бўлган ўртоқ И. М. Зимин ҳозир Шўрсув конининг бош инженери бўлиб ишламоқда. У, ёш ва ташаббускор инженерлардан бири. Стахановчи ўртоқ Гусев ҳам ўз ишини намунали бажаргани ва ишда ташаббускор бўлгани учун шахта бошлиғи бўлиб кўтарилди.

Н. АНАПСКИЙ.

ТЕМИР БИЛАК

— Бозор кўрган эчкидан қўрқ! Уч марта бозор кўрган эчки, эгасига шайтонликдан даро беради, деди ота ва бу гапи блан бригада мажлисида ўлтирганларни ялпи кулдирди.

— Сизча сра бозорга бормайликми?— деб савол берди бригада сувчиси бўлган бир йигит.

— Бормаларинг демоқчи эмасман, борларинг, ахир навбат блан борларингда, инсофсизлар. Бир чеким нос учун ҳам яйлоқ эшакка айри миниб бозорга кетаберасанларми?

— Отларини айтмайман, ўзи билиб олсин! Бу ерда ўтирганлар ичида битта хўрозини сотгани икки бозорга бориб келган киши ҳам бор. Чоршанба бозорида ўтмаган қатиғини якшанба бозорига оборган киши ҳам шу ерда ўтирибди. Олдиси ҳам йўқ, сотдиси ҳам, лекин ҳафтада икки марта бозорга бориб, фақат терлаб-терлаб чойхўрлиқ қилиб келадиган азамат ҳам ичимизда йўқ эмас.

— Мана мен. Бир нарса керак бўлса, кетаётганларга айтиб юбораман. Сенлар бўлсанг чайқовчига ўхшаб, ҳар бозорни кўрмасаларинг ҳумордан чиқмайсанлар!

Звено бошлиғи Аҳрор отанинг бу сўзига бригада бошлиғи:

— Жуда тўғри, — деб сўз қўшди. Ота яна қайнаб кетди:

— Ишлаганда сен ё ишни ўлдир, ёки иш сени ўлдирсин! Ба'зиларинг ишга чиқишга чиқасан-у, қилган ишларингнинг баракаси йўқ. Тоғни урса талқон қиладиган бақувват йигитлардан иккитаси, ана садага суялиб ўлтирибди. Кеча эрталабдан кечгача атиги битта дала хирмонида лой қилишибди. Бригадирга қайронман: ҳой Аҳрор ота, бутун 10 та хирмонни сувашга лой қилиб бериг деса, мен қамчир шолгом егунча лойини қилиб суваб ҳам қўярдим.

Тушки овқат вақти, кун ниҳоятда иссиқ. Қуёш нурида дала яллиғланади, ота сада тагидаги шийпонида ўлтириб, узоқларга кетган кенг далага, бўлиқ ғўзаларга қаради, сўнгра «ишни бўшаштирмасак марра бизники» деди. «Ҳозир нима қилмоқ керак?» деб бу саволга яна ўзи жавоб бериб кетди:

— Яна 15 кун зўр бериб чопиб, культивация қилиш лозим. Ҳаммадан зарури сув! Ҳозир ғўзани чанқатиб қўйилгани, иш тамом — вассалом. Ҳосил осмонга учиб кетади! Колхозимизда буни тушунмайдиган бепарво кишилар бор. Мен-ку ҳали мажлисга тушган эмасман, халқага тушиб қизориш кишига ўлим. Лекин, тунови кун оз бўлмаса, қизариб қолай дедим. Ўзларинг биласизлар, кичик ўғлим Низомиддин звенамизга а'зо. Қўлига найларини бериб тонг отгунча 50 қатор ғўзани эмдириб суғоришни топшириб уйга кетдим. Кечаси тинчимай звенамизга келсам, айтганимни қилмабти. Бир қулоқ сувни ғўзага биракайнга очиб, бир ўнгирда ухлаб ётибти, ёниб кетдим. Шундай бўлса ҳам, секин уйғотиб роса қойидим.

Отанинг бу гапига ҳамма ҳаҳолаб кулди, бригаданинг маслаҳат мажлисига иштирок этаётган ўғли Низомиддин ноилож кулгига қўшилди-ю, сўнгра қизариб кетди.

★ ★ ★

Бригада а'золарининг йиғилиши тугагач, Аҳрор ота ўз звено а'золари блан пахта даласига томон юрди. Биз ҳам улар блан ҳамроҳ эдик. Ота йўл-йўлакай серҳосил ғўзаларни кўрсатиб бориб, каттагина бир бўлак ерда тўхтади ва:

— Шу бизники, бу йилги ишимиз мана шу! — деди.

Ота бошлиқ бўлган звенонинг ғўзалари жуда битган. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар тупда 20 ва ундан ортиқ тайёр кўсак шиғиллаб ётади. Айрим ғўза туплари ҳосилни кўтаролмай қайишиб қолган.

Бригада бошлиғи суваб тахт қилинган дала хирмонини кўздан кечиргач, звено бошлиғи Аҳрор отанинг елкасига қоқиб:

— Яшанг — темир билак! —деди. Сўнгра бизга нима учун отани шундай деб атаганига изоҳ берди.

87 ёшга кирган Аҳрор ота Исабоевни Ленин номли колхозидагина эмас, Ҳолдевонбек районидаги кишиларнинг ҳаммаси Темир билак, деб атар экан. Бақувватлиги, унумли ишлаши туфайли йигитлик чоғидаёқ халқ томонидан унга қўйилган бу лақаб ҳозир унинг исмига айланиб қолган. Шунинг учун бу ерли кишилар йиқилса ерни тишлаб турадиган, кексалигига қарамай, кетман чопишда икки-уч йигитни чарчатадиган райратли бу кекса нинг номини ҳурмат блан тилга оладилар.

Ота колхозда эски а'зо бўлиб, кейинги 5—6 йил ичида тутчилик ва шоликорлик бригадасида ишлар эди. Ленин номли колхоз кейинги йилларда пахта тайёрлаш планини бажармагач, ота ва у сингари кекса пахтакорларнинг ориятн келди. Бу йил улар колхоз ёшларига бош бўлиб, чигит экишди. Ўз бригада ва звеноларидагина эмас, балки колхознинг барча даласида ҳам ғўзани яхши парвариш қилиш учун курашиб, тажрибаларини қолоқларга ёйишди.

Олдиндан айтиш мумкин эмас: ҳосилни яқин кунларда қуриладиган катта тарози аниқлайди. Лекин шуни айтиш керакки, бу йил Ленин номли колхознинг ғўзаси жуда серҳосил. Темир билак ва у сингари кекса пахтакорлар мўл ҳосил учун курашда ёш пахтакорларга намуна бўлганлар.

Т. АБДУВАЛИЕВ.

Жамоат чорвачилигини ривожлантиришга жиддий э'тибор берилсин

(«Қизил Узбекистон»нинг Самарқанд область мухбиридан)

Самарқанд областидаги бир қатор илғор колхозлар, чорва ходимлари, мамлакатимизнинг қудратини ошириш, халқимизнинг турмушини янада фаровон қилиш чорвачиликни ривожлантириш, тўртинчи бешйиллик планини муддатидан олдин бажариш учун зўр бериб курашмоқдалар. Колхозчи деҳқонлар чорва фермаларида, яйловларда социалистик мусобақани кучайтириб, мамлакатга тағин ҳам кўпроқ чорва маҳсулоти етказиб бериш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

Илғорлар бу ишда яхши иш намуналарига эришаётирлар. 1946 йилнинг биринчи ярмида областьда шохли моллари кўпайтириш плани 100,2 процент бажарилди. Ҳар 100 сигирдан 73 бузоқ олинди. Нурота районидаги Охунбобоев номли, Каттақўрғон районидаги Охунбобоев номли, Пахтакор районидаги «Қизил чорва» ва бошқа кўпгина колхозларнинг а'золари давлат чорва планини ошириб бажариш учун жиддий курашиб молтўғини тобора кўпайтирмоқдалар. Мамлакатга кўп миқдорда гўшт, ёғ, жун ва бошқа маҳсулот етказиб бермоқдалар. Хозир бу илғор колхозларда бутун куч чорва моллариннинг қишловга намунали тайёрланишга қаратилган.

Областьдаги айрим районларда йилқичиликни ривожлантириш соҳасида ҳам кўзга кўринарли муваффақиятга эришилди. Фориш районининг колхозлари ҳар 100 биядан 78 та қулин олдилар. Нурота районининг колхозлари ўрта ҳисоб блан ҳар 100 биядан 65 қулин олишга муваффақ бўлдилар.

Лекин ҳамма район ва колхозларда ҳам йилқичиликни ривожлантиришга бирдек яхши э'тибор берилаётир деб бўлмайди. Пойариқ, Жомбой, Иштихон районларида йилқичиликни ривожлантиришга мутлақо аҳамият бермайдилар. Бу районларда қулин олиш плани бажарилмаганидек, той ва отларни парвариш қилиш ҳам яхши йўлга қўйилмаганлиги кўпгина отлар нобуд бўлмоқда. Жомбой ва Пойариқ районларининг колхозлари бошқа районларга қараганда ем-хашак блан дуруст та'мин этилган бўлса ҳам, бу районлардаги колхозларнинг кўпчилигида отларнинг аҳволи ёмон. Пойариқ районидаги «Бирлашув» колхозида отлар эгасизлантирилиб, ўз вақтида дам берилмасдан, яхши боқилмаганлигидан ориқлаб қолган. Умуман бу районда чорва планини бажаришга, шу жумладан йилқичиликни ривожлантиришга жуда э'тиборсиз қарайдилар. Район ижрокомининг раиси Бадалхўжаев, район чорвачилик бўлимининг мудири Давронов ўртоқлар чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида кўп гапирсалар ҳам, амалда бу иш блан яхши шуғулланмайдилар. Шунинг учун ҳам районда бу йил биялардан қулин олиш плани атиги 25 процент бажарилди. Кўп биялар қисир қолган. Масалан, «Правда» колхозида 18 биядан бирорта қулин олинмаган. Бундан ташқари районнинг колхозларида 187 бия турли йўллар блан йўқ қилинган.

Қўй-эчкиларни кўпайтириш соҳасида ҳам Самарқанд областида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу йилнинг 6 ойи мобайнида областьнинг колхозларида 85 минг қўй, эчки турли йўллар блан сўйилган. Шунинг учун ҳам қўйларни урчитиш плани 86 процент бажарилди, халос.

Ургут, Пойариқ, Жомбой, Метон ва бошқа районларда сигирсиз—молсиз колхозчилар талайгина сонни ташкил қилади. Район партия, совет ташкилотлари, чорвачилик бўлимларининг раҳбарлари бу ярамас аҳволни тузатиш, колхозчиларни молли қилиш чорасини кўрмаётирлар.

Ўтган йили чорва моллариннинг қишловига тайёрликда моллари қишки емхашак блан та'минлашда катта хатоликларга йўл қўйган Жиззах, Пастдаргам, Метон, Булунғур ва бошқа районларнинг кўпгина колхозларида моллар эрта баҳорда овқатсиз қолган эди. Ана шу район ва колхозларнинг раҳбарлари бу хавфли аҳволдан ҳозиргача тегишли хулоса чиқарган эмаслар. Бу йил ҳам областьдаги районларда чорва моллариннинг қишловига тайёрлик кўриш, ем-хашак тўплашга етарли аҳамият берилмаётир. Буни қуйидаги фактлар яққол кўрсатиб беради: областьда беда тайёрлаш плани энди 17.5 процент, ничан ўриш 36 процент бажарилган. Кўпчилик районлардаги бедапоялар ўз вақтида суғорилмайди. Пойариқ, Ургут, Метон районларидаги кўпгина колхозларда беда бир мартагина ўрилди. Шунинг учун ҳам қиш кунларида бирнеча минг тонна беда етишмаслик хавфи туғилмоқда.

Самарқанд областида чорва маҳсулоти тайёрлаш ҳам ёмон аҳволда. Тайёрлаш министрлигининг область вакили ўртоқ Грековдан тортиб, кўпгина район вакилларигача чорвачилик маҳсулоти тайёрлашни ўзибўларчиликка ташлаб қўйганлар. Тайёрлаш министрлигининг Жиззах районидаги вакили ўртоқ Жабборов ўз ишига мас'улиятсизлик блан қараб келмоқда. Қорадар'ё, Пойариқ район вакиллари ҳам чорва маҳсулоти тайёрлашга яхши э'тибор бермайдилар. Шунинг учун ҳам областьда гўшт тайёрлаш плани энди 71 процент, жун тайёрлаш 70 процент, ёғ тайёрлаш плани 45 процент бажарилди, халос.

Самарқанд область чорвачилик бўлими (бошлиғи ўртоқ Фаяни) ҳозиргача чорвачиликни ривожлантириш, мол қишловига тайёрлик кўриш марказига айланган эмас.

Яқинда УзК(б)П Самарқанд область партия комитетида чорвачилик ходимлари ва райком секретарьларининг область кенгаши бўлиб, бунда жамоат чорвачилигини ривожлантиришда ва чорва моллариннинг қишловига тайёрлик кўришда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани кўрсатилган эди. Область ташкилотлари чорвачиликни ривожлантиришда ва моллариннинг қишловига тайёрлик кўришда ўтган йилги хатоларга яна йўл қўймаслик учун, бу иш блан жиддий шуғулланишлари керак.

Ғ. АШУРОВ.

Самарқандлаги «Серп и молот» заводи бу йилги сабзавотдан турли консервалар ишлаб чиқаришни кучайтириб юборди. Суратда: завод стахановчиси ўртоқ М. Отабоева консерва тайёрламоқда.

А. Кузьменко фотоси. (УзТАГ фотохроникаси).

Тоғ мутахассислари тайёрлайдиган манба'

Республикамиздаги кўмир конлари учун кўплаб техниклар талаб қилинади. Кўмир саноатининг бу талабини қондириш учун маҳаллий партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг ёрдами ҳамда олий, ўрта тоғчилик ўқув юртлари коллективининг астойдил ишлаши керак.

Афсуски, республикамиздаги кўмир конлари учун малакали мутахассислар тайёрлаб бериш иши кўнгилдагидек эмас. Тошкент тоғ техникуми 1943 йилда ташкил бўлган. Лекин, унда ўқучи ёшлар орасида ерилдар жуда оз. Бу йилги янги қабул ҳам яхши бормаётир. Шахталарнинг айрим раҳбарлари, комсомол ташкилотлари техникум учун ерли ёшлардан юбориш ишига бепарволик блан қарамоқдалар.

Тоғ мутахассисининг иши турли-туман ва қизиқарлидир. Кўмир саноатининг турли тармоқларига раҳбарлик қилиш мароқли ишдир. Партия ва ҳукуматимиз тоғ ишчисининг, мутахассисининг роли ва ишига доимо катта аҳамият бериб келмоқда. Ҳукуматимиз Тошкент Тоғ техникуми учун 800 кишилик ўқув бинаси, 600 кишилик ётоқхона ва профессор-ўқитучилар учун 50 квартирлик мутахассислар уйи қуришга катта маблағ ажратди. Студентларнинг маданий маиший аҳволларини яхшилаш учун ҳам катта ғамхўрлик қилинмоқда.

Келгуси йилда техникумни бирнеча ёш мутахассис битириб чиқади. Бу йил техникумнинг II ва III курс студентлари шахталарда амалий тажриба ўтказдилар. Улар меҳнатни ташкиллаштириш, кўмир ма'ба'ларини аниқлаш, шахта қурилишида ва электромеханика ишларида ўз қобилиятларини кўрсатдилар. Шунинг учун ҳам руда бошқармасининг тақдиринамаси ва мукофотини олдилар.

Техникумда ёшларнинг ўқиши, тажриба олиши учун ҳамма имконият яратилган. Техникумнинг кўмир ма'ба'ларини қидириб топиш, шахта қурилиши ва электромеханика бўлимларида юқори ихтисосли профессор, инженер ва фан кандидатлари лекция ўқийдилар.

ҚССРнинг Шарқий районларидаги кўмир саноати министрлигига қарашли бу техникумнинг пойтахтимизда эканлиги кўмир саноатида техник, инженер бўлиб етишишни орзу қилган ўзбек ёшларимизнинг ўқиши учун кенг йўл очиб беради. Ёшларимиздан, айниқса ерли миллат кишиларидан тоғ техники ва инженерлари етказиб чиқаришнинг роят муҳимлиги ҳаммамизга ма'лум. Техникум коллективи янги ўқув йилини ками-кўтесиз кутиб олиш, янги студентлар қабул қилиш ишини намунали ўтказиш учун ҳаракат қилмоқда.

Профессор Н. Л. СМИРНОВ.

Тошкент Тоғ техникуми директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

Париж Сулҳ конференциясида

14 август эрталабки ялпи мажлис

ПАРИЖ, 14 август (ТАСС махсус мухбиридан). Париж Сулҳ Конференциясининг бугун эрталабки ялпи мажлисида Булгория делегациясининг Булгория блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳаси тўғрисидаги баёноти эшитилди.

Сўз, Булгория ташқи ишлар министри Кулишевга берилди.

КУЛИШЕВ СЎЗИ

Булгория ташқи ишлар министри нутқининг бошида Булгория делегациясига келажакда тузиладиган сулҳ шартномасининг шартлари тўғрисидаги масала юзасидан ўз фикрини изҳор қилиш имконияти берилганлиги учун Конференцияга ташаккур билдиради. Шу блан бирга у гитлерчилар Германияси устидан ғалаба қозонишни та'миллаган ва фашист вахшийларнинг тантана қилишига ҳалақит берган СССР, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари халқларига ва бошқа иттифоқчи мамлакатларнинг халқларига Булгориянинг миннатдорчилигини изҳор қилди.

— Биллар,—дейди Кулишев, — янги Булгориянинг кишиларимиз. Биз, мамлакатимизни Германия томонида туриб урушга жалб этган кишилар қилган жиноятларни асло камайтириб кўрсатиш ниятида эмасмиз. Германия блан тузилган разил иттифоқ, Англияга ва Америка Қўшма Штатларига уруш э'лон қилиш, Булгорияни Гитлернинг ҳарбий базасига айлантириш ва кейинчалик СССР ни Булгорияга уруш э'лон қилишга мажбур этган гитлерчи тўданинг қабиҳ ишлари каби жиноятларни қилган кишилар Булгория халқ трибунали томонидан қаттиқ жазоланди.

Шу блан бирга Кулишев булгор халқининг фашист диктатурасига қарши узоқ вақт олиб борган курашини ва булгор халқининг ўз мамлакатини қулликка солган гитлерчилар Германиясига қарши кўрсатган қаршилигини та'киллайди. Кулишев булгор армиясининг Германия томонидан Греция ва Югославияга нисбатан қилинган агрессияга қатнашмаганлигини айтади. Кулишев булгор халқининг хизматларини та'киллайди. Бу хизмат шундан иборатки, Шарқдаги урушнинг энг оғир пайтида булгор халқи Гитлернинг қаттиқ ҳамласига мардона қарши тура олди ва Булгория ҳукуматининг Қизил Армияга қарши ақалли бир булгор солдатини ҳам юборишига имкон бермади. Булгор халқи Шарқий фронтга битта ҳам кўнгилли аскар юбормади.

Булгор халқи немисларга ва уларнинг Булгориядаги агентларига қарши тинмай курашди. Урушнинг сўнгги даврида Германияга қарши курашда Булгориянинг самарали ва актив қатнашганлиги сулҳ шартномасининг лойиҳасида расмий суратда э'тироф этилади. Кулишев айтадики, Булгория босиб олинган даврдаёқ булгор халқи ҳақиқатда иттифоқчилар томонида туриб курашди, чунки Ватан фронти немис қўшинларининг орқа томонида душманга қаршилик кўрсатиш йўлида кучли ҳаракат уюштирган эди. Булгор партизанлари Югославия ва Грециядаги душманга қарши курашган кучлар блан алоқа боғладилар ва иттифоқчилардан ярим-аслаҳа олиб турдилар.

1944 йил 9 сентябрьдаги умумхалқ қўзғолонидан кейин янги Булгория ҳукумати камида ярим миллион кишидан иборат бутун армиясини Булгория чегараларидан ташқарида гитлерчи қўшинларни қувиб бериш учун сафарбар қилди. Булгория қўшинлари 8 ой мобайнида Македония, Сербия, Венгрия ва Австрия жанг қилилар ва ўлган ҳамда яралорлар бўлиб 32 мингдан ортиқ кишини йўқотдилар.

«Янги Булгория,—деди нотиқ.—Немис қўшинларини Югославия ва Греция тупроғидан тезроқ ҳайдаб чиқаришда ўз аскарларининг қон тўккаллиги блан айниқса фахрланади. Бу блан янги Булгория, гитлерчилар тўдасининг мазкур мамлакатларга қилган жабру-жафосини бир мунча енгиллаштирди».

Кулишев Греция вакиллари Булгорияни агрессив бир мамлакат деб унга қўйган айблари ҳақида гапириб, Греция-Булгория муносабатларининг тарихини қисқача баён қилади. Бу муносабатлар ана шундай асоссиз да'воларни рад этади. Фактлар Грециядаги ҳукмрон доиралар ва Греция бош штабининг Булгория блан бўлган муносабатларда доим агрессорларча ҳаракат қилганликларини исбот этади.

Булгория Эгей денгизига чиқиш йўлига эга бўлишни ва бунинг учун Ғарбий Фракияни ўзига қайтариб беришни сўрайди, чунки бу район шимолга томон чўзилиб кетган Булгория областининг иқтисодий ва жуғрофий жиҳатдан муҳим бўлган ажралмас бир қисмини ташкил этади. Ғарбий Фракия ўзи чамбарчас боғланган булгор районларисиз яшай олмайди ва ривожлана олмайди, булгор районлари эса, денгизга олиб чиқалиган йўлга эга бўлмай туриб ўз иқтисодий талабларини та'миндай олмайди. Булгориянинг Эгей денгизи бўйидаги қирғоқ районлар маҳрум этилганлиги аҳволни мушкуллаштиради. Булгорияни бошқа мамлакатлар блан алоқа қилиб туришда зарур бўлган табиий йўллардан маҳрум этади. Бу ҳол Булгорининг қаштоқ ва иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиши учун бир манба'дир. Ғарбий Фракиядаги ярамас аҳволнинг яна бир оқибати шундан иборатки, бу райондан халқаро миқ'ёсда мол айрибошлаш учун фойдаланилмаётир. Бу районда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ба'зи юзларгина ташилмоқда. Ғарбий Фракиядаги портлар вайрон бўлган ва э'тиборсиз ташлаб қўйилган, ҳолбуки бу портлар Болқон ярим оролининг шарқий қисмига ва жумладан қатто шимолий Дунай бўйида жойлашган районларга ҳам хизмат қилиши мумкин эди.

«Ҳар кимсага очиқ ма'лумки,—дейди Кулишев,—денгизга эркин равишда чиқиш йўлига эга бўлиш Булгориянинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун роят муҳимдир. Бу ҳол бизда, Конференция мазкур масалани пухта ўрганиб, адолатли қарор чиқаради, деган умидни туғдиради».

Кулишев Грециядаги ҳали ҳам шавқинли руҳи ҳукм сураётганлигини та'кидлаб қуйидагиларни айтади: «СССР, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари Германияга қарши урушда Булгориянинг иштирок қилганлигини э'тиборга олдилар ва Булгориядан ҳарбий товон олиш тўғрисидаги талабларидан воз кечдилар. Мен бунинг учун мазкур ҳукуматларга булгор халқининг ташаккурини изҳор қиламан. Шартнома лойиҳасида товон масаласи тўғрисида Югославияни ва Грецияни озод қилишда булгор халқининг иштироки тамомила аниқ акс этдирилган. Мен бунинг учун ҳам ташаккур изҳор киламан. Буни э'тиборга олганда, Греция ҳукуматининг Булгорияга нисбатан қўйган талаблари асосиз ва адолатсиз талаблар бўлиб, нима учун шундай талаблар қўйилганлигини тушиниб бўлмайди».

Булгория Греция территориясидаги урош ҳаракатларида қатнашмади. Бу ерларни вайрон қилганлар асосан немис қўшинлари эди. Булгория қўшинлари Греция территориясидан намунали тартибда ва маҳаллий грек ма'мурлари блан ҳўстона ҳамкорлик асосида чиқиб кетдилар.

Лекин шунга қарамай, Греция ҳукумати Булгория тўлай олмайдиган миқдорда товон талаб қилмоқда. Булгориянинг бу товонни тўлаши учун моддий имкониятлари йўқ. Булгор халқи қаштоқ бўлиб қолди. Булгор халқининг моддий аҳволи жуда оғир. Булгория урушдан ялғаниқ ўз моддий аҳволи жиҳатидан Европада энг кейинги ўринда турар эди. Булгория вакили айтди: «1945 йилда ҳаддан ташқари қурғоқчилик бўлишига қарамай, очарчиликдан ва чорва моллариннинг тамомила нобуд бўлишидан қутилиб қолган эканмиз, бунга фақат Совет Иттифоқининг олижаноблик блан берган ёрдам ва кўмаги сабаб бўлди».

Булгория Дунай бўйидаги мамлакатдир. Шу сабабдан у Дунай масаласидан жуда манфаатдордир. Шунинг учун Булгория Дунайни контроль қилишда бегараз қатнаштирилишини сўрайди.

Кулишев айтади: Янги Булгориянинг ҳеч қандай агрессив ниятлари йўқ. Булгор халқи келгусидаги ҳаётини меҳнат, халқаро ҳамкорлик ва узоқ давом этадиган тинчлик асосида қуришни истайди. Аммо булгор халқи Германияга қарши курашган ўз армиясининг сонини мутлақо камайтириш талабини адолатсиз жазо деб билади. Айни замонда Булгория ҳукумати ўз ташаббуси блан армия сонини камайтирди ва ўз қуролли кучларини яна қисқартиш чораларини кўрмоқда. Кулишев сўзининг охирида бундай деди: «Ватан фронти Булгориянинг ички ҳаётини қат'ий суратда, изчиллик блан қайтадан ташкил этмоқда. Бу чора Булгориянинг Болқон мамлакатларидаги тинчлик, демократия ва тартибнинг маҳкам бир қисми сифатидаги ролини янада мустаҳкамлади. Биз ўз қўшиларимиз бўлмиш Югославия, Румония, Албания блан роят дўстона муносабатлардамиз. Биз Греция блан ҳам ўз муносабатларимизнинг яхшиланишига умид боғлаймиз. Греция бирдан-бир шундай мамлакатки, ҳали у блан бизнинг ўртамизда ба'зи келишмовчиликлар бор. Биз грек халқи блан роят дўстона муносабатда яшашни астойдил истаймиз ва бунга тамомила эришиб бўлади деб ишонамиз. Тикланаётган Булгория Бирлашган миллатлар ташкилотининг ишларида ва халқаро миқ'ёсда ҳамкорлик ҳақида коллектив хавфсизлик принципларини амалга оширишда астойдил қатнашишни истайди. Булгория барча миллатлар блан дўстона муносабат ўрнатишни хоҳлайди. Булгория халқи ўзининг қонуний талабларига Сулҳ конференцияси тўғри баҳо беради деб маҳкам ишонади».

Булгория делегацияси залдан чиқиб кетгандан кейин Польша вакили Ржимовский сўзлади.

РЖИМОВСКИЙ СЎЗИ

Халқлар, — деди Ржимовский, — айниқса ўз ҳаётий манфаатларига қилоф равишда ўзларини мағлубиятга олиб келадиган ҳаракатларга жалб этилган тақдирда, уларнинг тақдири қўпинча жуда фожиали бўлади.

Булгория халқи шундай халқлардандир.

Сўнгги урош вақтида булгор халқи ўз ихтиёрига қўйилганда эди, у ера ҳам душманларимизга қўшилмаган бўлур эди. Биз бунга ишонамиз.

Шуни э'тиборга олиш керакки, Булгория урошнинг сўнгги даврида Венгрия ва Югославия фронтларида иттифоқчи давлатларнинг умумий иши учун кураш-

(ДАВОМИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

Уруш йилларида фойдаланмаган отпуска пуллари юзасидан ҳисоб-китобни муваффақиятли тугаллайлик

Уруш вақтида фойдаланилмаган меҳнат отпускаси пуллари амонат кассаларига топширилиб келган эди. Ишчи ва хизматчиларнинг ана шу отпуска пуллари юзасидан бўлган бутун ҳисоб-китоб ишлари шу йил 1 июльгача тамомланиши керак эди. Лекин бу иш белгиланган муддатгача тамом бўлмади. Шуни назарга олиб, СССР Министрлар Совети ишчи ва хизматчилар блан ҳисоб-китобни тамомлаш муддатини 1946 йил 1 октябрьгача узайтирди.

Касаба ташкилотлари, айниқса корхона ва муассасалардаги маҳаллий комитетлар, шунингдек касаба вакиллари ишчи ва хизматчиларнинг отпуска пуллари юзасидан бўлган ҳисоб-китобни тамомлаш ва уларга амонат гувоҳномаларни бериш ишига тегишинча э'тибор бермаётирлар.

Чирчиқ электрохимия комбинатида ўртоқ Головковга 1941—1943 йилларда тегишли бўлган отпуска пуллари учун амонат билети берилмаган. Чирчиқ ГЭСнинг илмий ходими Хельвас, Мельстрой бошқармасининг ходими Ратушний, Самарқандлаги Госплемросазлик ходими Леонтьева, «Оққипчиғой» совхозининг ходими Сон, Мўйнок гўшт-балиқ комбинатининг ходими Крепишев ўртоқларга ҳам амонат билетлари топширилмаган. Ба'зи ташкилотларнинг ўзларида ишлаган ходимларга амонат билетлари бермаслиги бу ўртоқларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Бунинг устига, ба'зи ташкилотлар бу тўғрида тушган аризаларни ўз вақтида э'тибор блан кўрмаётирлар.

Масалан, Узбекбирлашувнинг Тошкентдаги ишлабчиқариш комбинати Узбекистондан жўнаб кетаётган ўртоқ Стрельповга хизматдан бўшатилган чоқда амонат билети бермаган. Ўртоқ Стрельпова отпуска пули учун амонат билети юборишни сўраб бирнеча марта мурожаат қилса ҳам, унинг аризаси э'тиборсиз қолдирилган. Ўртоқ Стрельпова бу тўғрида прокурорга мурожаат қилгач, 600 сўм маош блан икки йил хизмат қилган бу ўртоққа комбинат 32 сўм 36 тийин учун амонат билет юборган.

Молия органлари ва амонат кассалари ишчи ва хизматчилар блан бўлган ҳисоб-китобни тамомлашда етарли оперативчилик кўрсатмаётирлар. Узбекистондан кўчиб кетган ишчи ва хизматчиларга тегишли отпуска пулларини юбориш ба'зан жуда кечиктирилаётир. Бу ҳол Куйбишев (Тошкент), Боғишамол (Самарқанд) районлари, Фарғона, Андижон, Қўқонлаги амонат кассаларида айниқса сезилмоқда.

Амонат кассаларидаги ба'зи ходимлар меҳнаткашларнинг тегишли бўлган отпуска пуллариии улар хизмат қилган жойларига ўз вақтида юборишга э'тиборсизлик блан қарамоқдалар.

Отпуска учун тегишли бўлган пуллар юзасидан ҳисоб-китобни тамомлаш муддатининг 1946 йил 1 октябрьгача узайтирилиши корхона, муассаса ва ташкилотларга бирон сабаб блан ҳозиргача топширилмаган отпуска пуллариии амонат кассаларига топшириш, барча ишчи, хизматчиларга амонат билетларини бериш, илгари ўзларида хизмат қилган кишиларнинг адресларини аниқлаб, уларга амонат билетлари юбориш имкониятини берди. Ишчи ва хизматчиларнинг отпуска пуллари юзасидан бўлган ҳамма ҳисоб-китобни шу йил 1 октябрьгача тамомлаш, уларнинг қўлларига амонат гувоҳномалари топширилиши керак.

Молия органлари ва амонат кассалари отпуска пуллари юзасидан бўлган ҳисоб-китобни тамомлаш, барча ишчи ва хизматчиларга амонат гувоҳномалари топшириш ишида катта оперативчилик кўрсатмоқлари керак. Бошқа амонат кассаларига юборилаётган отпуска пуллариии ҳам кечиктирмай, тезроқ юбориш лозим. Отпуска пуллариига доир ҳамма аризалар э'тибор блан дарҳол кўрилмоғи керак.

Отпуска пуллари юзасидан бўлган ҳисоб-китобни муваффақиятли тамомлашда касаба союзлари катта роль ўйнайди. Фабрика-завод комитетлари ва маҳаллий комитетлар барча корхона ва муассасаларда бу ишнинг қандай аҳволда эканлигини текшириб, отпуска пуллариии амонат кассаларига тўла-тўкис топширилишини, ишчи ва хизматчиларга амонат билетлари берилишини ва бу билетларни амонат гувоҳномалари блан алмаштиришни та'миндашлари керак. Бунинг учун ҳар бир корхона ва муассасада маҳаллий комитет, ёрдам комитети ва ҳисоб бўлими вакилларидан иборат текшириш бригадалари тузиш лозим.

Отпуска пуллари юзасидан бўлган ҳисоб-китобни тамомлаш учун етарли муддат белгиланди. Шу муддат ичида ҳамма ишни тамомлаш зарур, токи ишчи ва хизматчилардан бир киши ҳам тегишли отпуска пуллари учун амонат гувоҳномаси олмай қолмасин.

Н. КОВАЛЕНКО.

ЎзССР Давлат амонат кассалари ва давлат кредити бошқармасининг бошлиғи.

МАМЛАКАТГА КЎПРОҚ ПАХТА БЕРАЙЛИК

СССР Техника экинлари министрининг ўринбосари ўртоқ КОСОВ блан суҳбат

Мамлакатимизда пахтани кўпроқ етиштириш халқ хўжалигимиз учун роят катта аҳамиятга эга. Колхозларимиз олдида — бу йил буғдойдан кўра 30 процент кўпроқ пахта ҳосили йиғиб олиш ва ҳосилни 22 процент ошириш вазифаси турибди.

Бу шарафли вазифани бажариш учун бутун имконият бор. Совет давлати пахтакорларга катта ёрдам берди: бу йил пахтакорларга турли енгилликлар берилди, пахта учун берилаётган ғалла нормаси оширилди, беда поялари учун ғалла тўпланмаси ва мажбурияти бекор қилинди. Ма'дан ўғитлар келтириш ўтган йилдагига нисбатан тўрт ярим марта кўпайтирилди. Пахтакор колхозларга хизмат қилаётган МТСлар мингларча трактор, автомашина ва кўп қишлоқ хўжалик асбоблари олдилар.

Ана шуларнинг ҳаммаси колхозларга дала ишларини муваффақиятли олиб бажариш имкониятини берди. Чигит бултургидан кўра 10-15 кун илгари экилди. Ғўзаларга бу йил кўпроқ ўғит берилди. Ўзбекистон ССРда пахта майдонларининг 40 процентга, Туркманистонда 58 процентга ма'дан ўғит блан озиқлантирилди. Тожикистон, Озарбайжон ва бошқа пахтакор республикаларда ҳам пахта майдонларининг кўп қисмига ўғит берилди.

Колхозчиларнинг вазифаси — август ойида ғўза парваришини бўшаштирмай давом эттиришдан иборатдир. Ҳозирги вақтда ўсишда орқада қолаётган ғўзаларга айниқса кўп э'тибор бериш лозим.

Пахта йиғим-терими планини тузган вақтда колхозлар ва МТСларнинг барча имкониятларини ҳамда бу йилнинг об-ҳаво хусусиятларини э'тиборга олиш керак. Йиғим-терим планларида кунлик ва мавсумий иш нормалари, звено ва бригадалар учун бешкунлик топшириқлар, колхозлар бўйича ойлик йиғим-терим планлари кўзда тутилиши лозим. Колхозчилар учун кунлик ва мавсумий йиғим-терим нормалари пахтанинг етилишига ва ҳосил миқдорига қараб белгиланади.

Қишлоқ советлари ва колхозларнинг раислари пахта йиғим-терими бошланганига қадар йўл ва кўприкларнинг аҳволини текшириб чиқиб, уларни тузатишлари керак. Ҳарбир звенода пахтани саноат нав'лари, репродукциялари ва уруғлик чигит нав'ларига ажратиб тўплаш ва қуритиш учун хирмонлар тайёрланиши лозим.

Пахта ҳосилини муваффақият блан йиғиб-териб олишда колхозларга топширган пахталари учун тегишли бўлган ғалла ва саноат моллариии ўз вақтида бериш катта аҳамиятга эга. Тайёрлаш органлари колхозларга ўз контрактация шартномаларининг бажарилишига қараб районларга ўз вақтида зарур миқдорда ғалла, газлама, ёғ ва чой келтириб туришлари ва улар блан ҳисоб-китобни узишлари керак. Шу блан бирга тайёрлаш органлари пахтани қабул қилишга пухта тайёрланишлари, тайёрлаш пунктларида колхоз от-уловини кутдириб қолдирмасликлари лозим.

Пахтакор колхозларда кўпгина тажрибали теримчилар бор. Ўтган йили улар ҳар куни 100—180 килограммлаб пахта териб, мавсум охиригача 6—8 минг тоннадан пахта топширишди. Ана шу илғор кишиларнинг тажрибасини ҳамма колхозчилар ўртасида ёйиш керак.

Кўп пахта терадиган илғор теримчилар учун, уларнинг терган пахталарини хирмонга ташиб турадиган махсус кишилар ажратиш зарур.

Бу йил пахта терилишининг сифатини чиниакам яхшилаш зарур. Энг яхши нав'ли пахталарнинг паст нав'ли пахталарга аралаштириб юборилмаслиги керак. Пахтани хиллаб, қасал ва қуриб қолган кўсакларни алоҳида-алоҳида қилиб теришш зарур. Йиғим-терим вақтида, шунингдек пахтани сақлаш ва ташиш вақтида нобудгарчиликка йўл қўймаслик керак.

Шундай тартиб ўрнатиш керакки, даставвал пастдаги кўсакларнинг очилган пахтасини, сўнгра ўртадаги ва юқоридаги кўсакларнинг пахтасини териб олиш керак. Агар юқоридан пастга қараб терилаётган бўлса, (кўпинча шундай терадилар) пастдаги кўсаклар устига қуриб қолган барглар тушиб, пастдаги пахта ифлосланади.

Уруғлиқ учун белгиланган пахталар совуқ тушганга қадар терилиб бўлиши керак.

СССР Техника экинлари министрлиги теримчиларнинг меҳнат унумини ошириш мақсадида, теримчиларга мавсум учун белгиланган нормадан ташқари тергаи пахталари учун қўшимча иш куни ёзма блан бирга махсус мукофотлар беришни ҳам тавсия қилади. Отбор пахта топширган теримчиларга қўшимча газлама бериш усулини кенг қўлланиш ҳам тавсия қилинади. (ТАСС)

Париж Сулҳ конференциясида

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

ли; булғор партизанлари Польшага катта ёрдам бердилар.

Бизнинг фикримизча, Булғория инсонларча яхши муомала қилишиға сазовор бўлди. У душманларимиз сафида бўлган ягона славян давлат эди. Славян давлати бўлмиш Польша ҳам булғорияни тиклашда булғор халқига ёрдам қўлини чўзади ва бошқа иттифоқчи давлатларни ҳам ўзидан намуна олишга чақиради. Ишонч билдириб айтамизки, Булғория бошқа халқлар блан биргаликда узоқ давом этадиган мустаҳкам адолатли тинчликни барпо қилишда бизга ёрдам беради.

Польша вакилининг сўзидан кейин Украина вакили Мануильский сўз олди.

МАНУИЛЬСКИЙ СЎЗИ

Мануильский янги демократик Булғория илгариги ҳукмронларининг эски йўлидан тамомила алоқани узиб, эндиликда репарация юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини виждонан бажараётган мамлакатлардан бири эканлигини эслатиб ўтди ва бундай деди: булғор халқи ва унинг ҳозирги ҳукумати ўз мамлакатида фашизм қолдиқларини йўқотиш учун чинакам кураш олиб бормоқда, демократик ислоҳотларни муваффақиятли суратда амалга оширмоқда. Булғор халқи ва унинг ҳозирги ҳукумати ўз қўшнилари блан, шунингдек барча сулҳпарвар халқлар блан ҳамкорлик қилиш йўлини қат'ий амалга оширмоқда.

Булғория Болқон мамлакатлари ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш учун курашаётган кучларнинг асосий қисмларидан бирдир. Ўтмишда миллий ни'золар ва ўзаро урушлар бу халқларни қонқақшатган эди. Эндиликда тарихда биринчи марта ўлароқ Болқон мамлакатларидаги халқларнинг кўпчилиги ўртасида янги муносабатлар бўлиши учун мустаҳкам асос яратилди. Бу муносабатлар миллий душманликка, ўзаро низо' ва жанжалларга асло имкон бермайди. Ана шу миллий душманлик, низо' ва жанжаллар Болқон мамлакатларини уруш ўчоғига айлантирган эди.

Сўнгра, Мануильский бундай деди: Болқон мамлакатларида тинчлик ўрнатилиши—ғалабамизнинг энг муҳим ютуқларидан биридир. Аммо афсуски, бу тинчлик Болқон давлатлари орасида ташқи кучлардан мадад олаётган бир давлат томонидан бузилмоқда. Бу давлат Болқон халқлари ўртасидаги ҳамкорликни ўзининг тамомила асоссиз да'волари блан бузиш хавфини туғдирмоқда. Мен бунда Грецияни кўзда тутаман. Греция делегациясининг бошлиғи бу ерда кўп марта гапирди. Унинг бу гаплари ҳозирги Греция ҳукуматининг Болқон мамлакатларини янгидан бўлиб олиш ва сулҳ тузишда янги низо'лар чиқариш учун баҳона қилиниши мумкин бўлган шартларни қабул қилдиришга интилаётганлигини кўрсатади.

Биз таассуф блан шуни айтишимиз керакки, Греция делегацияси Болқон мамлакатларида, шу жумладан Булғорияда ҳам бўлиб ўтган катта ўзгаришларни, демократик ислоҳотларни тушинмаётир ёки тушинишни истамаётир.

Конференцияда енгилган мамлакатлар блан тузиладиган сулҳ қасос олиш сулҳи бўлмай, балки адолатли сулҳ, бинобарин узоқ давом этадиган мустаҳкам сулҳ бўлиши керак деб кўп марта айтилди. Бу принцип Булғорияга нисбатан ҳам татбиқ қилиниши керак.

Мануильский қуйидагиларни эслатиб ўтади: Булғорияда душманга қаршилик кўрсатиш йўлидаги умумий ҳаракат сиғари партизанлар ҳаракати ҳам 1944 йил 9 сентябрь ўзгаришидан илгариёқ ўсиб, кучайган ва мустаҳкамланган эди. Қуйидаги факт партизанлар ҳаракатининг иттифоқчи қўшинлар томонидан олиб борилган курашга қандай ёрдам бергانلигини кўрсатади: инглиз ва ўрта ер денгизидаги инглиз-америка ҳарбий кемаларидаги 1944 йил 9 сентябрь ўзгаришидан олдин Болқон мамлакатларидаги ҳалқларнинг кўпчилиги ўртасида янги муносабатлар бўлиши учун мустаҳкам асос яратилди. Бу муносабатлар миллий душманликка, ўзаро низо' ва жанжалларга асло имкон бермайди. Ана шу миллий душманлик, низо' ва жанжаллар Болқон мамлакатларини уруш ўчоғига айлантирган эди.

Сўнгра, Мануильский бундай деди: Болқон мамлакатларида тинчлик ўрнатилиши—ғалабамизнинг энг муҳим ютуқларидан биридир. Аммо афсуски, бу тинчлик Болқон давлатлари орасида ташқи кучлардан мадад олаётган бир давлат томонидан бузилмоқда. Бу давлат Болқон халқлари ўртасидаги ҳамкорликни ўзининг тамомила асоссиз да'волари блан бузиш хавфини туғдирмоқда. Мен бунда Грецияни кўзда тутаман. Греция делегациясининг бошлиғи бу ерда кўп марта гапирди. Унинг бу гаплари ҳозирги Греция ҳукуматининг Болқон мамлакатларини янгидан бўлиб олиш ва сулҳ тузишда янги низо'лар чиқариш учун баҳона қилиниши мумкин бўлган шартларни қабул қилдиришга интилаётганлигини кўрсатади.

Биз таассуф блан шуни айтишимиз керакки, Греция делегацияси Болқон мамлакатларида, шу жумладан Булғорияда ҳам бўлиб ўтган катта ўзгаришларни, демократик ислоҳотларни тушинмаётир ёки тушинишни истамаётир.

Конференцияда енгилган мамлакатлар блан тузиладиган сулҳ қасос олиш сулҳи бўлмай, балки адолатли сулҳ, бинобарин узоқ давом этадиган мустаҳкам сулҳ бўлиши керак деб кўп марта айтилди. Бу принцип Булғорияга нисбатан ҳам татбиқ қилиниши керак.

Мануильский қуйидагиларни эслатиб ўтади: Булғорияда душманга қаршилик кўрсатиш йўлидаги умумий ҳаракат сиғари партизанлар ҳаракати ҳам 1944 йил 9 сентябрь ўзгаришидан илгариёқ ўсиб, кучайган ва мустаҳкамланган эди. Қуйидаги факт партизанлар ҳаракатининг иттифоқчи қўшинлар томонидан олиб борилган курашга қандай ёрдам бергانلигини кўрсатади: инглиз қўмондонлиги алоқа офицерлари орқали партизанлар блан доим алоқа қилиб турар эди ва партизанларни Югославия орқали яроғ-аслаҳа ҳамда қийим-кечак блан та'мин этар эди.

Ўша вақтдаги булғор ҳукуматининг Германияга тарафдорликдан иборат ташқи сиёсатига қарши курашган мингларча антифашистлар турмаларга қамалди. Неча юзлаб киши ўлимга ҳукм қилинди. Минг-мингларча одам қамоқ лагерьларига юборилди.

1944 йил 9 сентябрьда бўлган давлат ўзгаришидан кейин Булғорияниング янги демократик ҳукумати ўз армиясини тамомила иттифоқчилар қўмондонлиги ихтиёрига топширди. Совет армияси составида бўлган булғор қисмларининг ҳаракатлари Болқон ярим оролини душмандан тозликда озод қилишга ёрдам берди ва немисларнинг ҳарбий материалларидан кўп қисмини Болқон ярим оролидан олиб кетишга тўсқинлик қилди.

«Мен, — дейди Мануильский, — шундай фактлар мавжуд бўлгани ҳолда, Родон тоғлари районидаги ерларнинг ўндан бир қисмини Булғориядан олиб Греция ихтиёрига топшириш адолатли бўлур эдими? деб сўрайман. Йўқ. Бу, адолатсизлик бўлур эди. Биз грек халқига, унинг буюк ўтмишига ва унинг босқинчиларга қарши қаҳрамонларча олиб борган курашига чуқур ҳурмат блан қараймиз. Аммо грек халқига нисбатан бўлган шу ҳурматимиз биздан Греция делегациясининг қўшни халқларга қарашли ерларни олиш тўғрисидаги да'воларига қат'ий суратда қарши чиқишни талаб этади. Греция делегацияси азалдан Булғорияники бўлган ва 300.000 аҳолисидан атиги 150—200 таси грек бўлган булғор ерларини қандай асос блан да'во қилади?

3 августда шу минбардан Булғорияниング ўндан бир қисми ва Албаниянинг қариб учдан бир қисми стратегия нуқтаи назаридан олиниши керак деб гапирдилар. Ғалати бир стратегия! Бу стратегия замирида нима яшириниб ётганлигини, уни кимлар қувватлаётганлигини ва бу стратегия узоққа мўлжалланган қандай мақсадларга хизмат қилажагини билмаймиз. Бошимиздан кечирган аччиқ тажриба бу хиллаги стратегияга жуда эҳтиёткорлик блан қараш кераклигини ўргатди».

Мануильский айтадики, демократик мамлакатлар барпо қилишга интилаётган тинчлик ҳар қандай кичик мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан му'тадил ривожланишига халақит бермаслиги керак. Эгей денгизи қирғоғидаги давлатларнинг бири бўлмиш Булғориянинг бу денгиздан ажралиб қолишини мақбул деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ҳол Булғорияни иқтисодий жиҳатдан ғоят мушкул аҳволга солиб қўяди; унинг қишлоқ хўжалиги ва саноати тамомила пасайиб кетиш хавфи остида қолади. Ана шундай сиёсат орқасида ва Булғориянинг бир хил тарзда муҳосара қилиниши натижасида, Булғория аҳолисининг моддий аҳволи мушкуллашади. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган халқ даромади миқдори жиҳатидан Булғория урушдан аввал Европада кейинги ўринларнинг бирида турганлиги ма'лум.

Биринчи жаҳон урушидан кейин Нейда имзоланган ва Булғорияни Эгей денгизидан ажратиб қўйган сулҳ шартномаси Булғорияга «иқтисодий манфаатлар юзасидан» денгизга чиқиш ҳуқуқини ва енгил тарифлардан фойдаланиш ҳуқуқини берди. Аммо бу ҳуқуқ амалий жиҳатдан ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмади. Булғория Эгей денгизидан ажралиб қола берди.

Ма'лумки, Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг 1945 йил 18 сентябрьда бўлган мажлисида Америка делегациясининг тақдим этган таклифи амалда Эгей денгизига чиқиш масаласига Нейи шартномасида кўрсатилган шартларни такрорлар эди. Греция блан Булғория ўртасидаги муносабатларни э'тиборга олганда, масаланинг шу тарзда ҳал этилишини қаноатланурли деб бўлмайди. Бу равшан бир нарса.

Эгей денгизидаги Дедеагач портини чинакам портга айлантириш учун унга жуда катта маблағ сарф қилиш керак. Греция ҳукуматининг амалга ошираётган сиёсати натижасида Булғорияга бу порт-дан фойдаланиш ҳуқуқи берилишига ишонч йўқ экан, Булғория бу портни ускуналаш учун кўп маблағ сарф қила оладими.

Мануильский 1913 йилда Бухарестда имзоланган шартномага амал қилиш бу масалани ҳал этишда бирдан-бир тўғри йўл эканлигини айтди. Булғория ўша вақтда Болқондаги урушда ғарчи енгилган бўлса ҳам, бу шартнома Ғарбий Фракияни Дедеагач порти блан бирга Булғория ихтиёрига топширган эди. Ғарбий Фракия иқтисодий, жуғрофий ва тарихий жиҳатдан Булғория блан, унинг алоқа йўллари, хўжалиги ва савдоси блан маҳкам боғланган.

Мануильский сўзининг охирида бундай деди: Бу урушда ўз озодлиги ва истиқболи учун курашган барча халқлар Булғориянинг адолатли талабларига хайрихоҳлик блан қарашлари ва бу талабларни қўллаб-қувватлашлари керак.

ГРЕЦИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ДА'ВОЛАРИ

Конференция пленумининг эрталабки мажлисида ҳаммадан кейин Греция вакили Палларио гапирди. У ўз нутқида Булғорияга қаттиқ ҳужум қилди. У Конференцияда Греция ҳукуматининг «садоқати» ва «сулҳпарварлиги» ҳақида гапириш блан бирга, Греция ўз талаблари бажарилган тақдирдагина Булғория блан ҳамкорлик қила олади, деди. Палларис Булғориядан оғир репарация ҳақларини олиш ни, шунингдек ер олишни талаб қилди.

Залдаги кишилар Конференция давомида Греция ҳукумати вакилининг қўшни давлатдан ҳаддан ташқари кўп нарса талаб қилганлигига э'тиборни жалб этдилар. Грециядаги ҳукмрон тўданинг Албанияга ва Булғорияга нисбатан қилган да'волари Болқон мамлакатларини очиқдан-очиқ ташвишга солади. Бу да'волар ҳар ҳолда, Париж конференциясининг мақсадларига асло тўғри келмайди.

14 августг кечки ялпи мажлис

ПАРИЖ, 14 август (ТАСС махсус мухбиридан). Венгрия блан тузиладиган ва Ташқи Ишлар Министрлар Кенгаши тайёрлаган сулҳ шартномаси лойиҳаси тўғрисида Венгрия ҳукуматининг фикрини айтиш учун Сулҳ конференциясининг кечки ялпи мажлисига Венгрия делегацияси чақирилди. Венгрия ташқи ишлар министри Дьендьеши делегация номидан гапирди.

ДЬЕНДЬЕШИ СЎЗИ

Дьендьеши Париж конференциясининг Дунай бўйидаги мамлакатларда узоқ давом этадиган тинчлик барпо қилишига ва бутун Европада тинчлик ўрнатиш учун ёрдам беришига ишонч билдирди.

Дьендьеши бундай деди: ҳозирги вақтда Сулҳ конференциясига янги, демократик Венгрия тақдим қилинаётир. Венгрия ўзининг қўшнилари блан тинч ва тотув яшашни истайди. Венгрия ҳукумати бошқа давлатлар тупроғида яшовчи венгерларга демократик эркинликлар берилишини та'минлашга интилади.

«Биз, — дейди у, — Румония ҳукуматининг ҳамкорлик қилиш йўлидаги истагини хурсандчилик блан қабул қилдик, чунки биз кўпдан буён шарқдаги қўшнимиз блан тотув яшашни истаб келмоқдамиз. Аммо бунинг учун бизнинг ўртамизда бўлган келишмовчиликларни бартараф қилиш зарур». Венгрия ва Румония блан тузиладиган ҳамда Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши тайёрлаган сулҳ шартномалари лойиҳаларида Трансильванияни Румонияга қўшиш кўзда тутилади. Дьендьеши Венгрия ҳукумати номидан, Румонияга бериладиган территориянинг таҳминан бешдан бир қисмини (бутун Трансильванияга қарашли 103 минг квадрат километр ернинг 22 минг квадрат километрини) Венгрияга қайтаришни сўрайди.

Венгрия ташқи ишлар министри ўз нутқида Чехословакиядаги озчиликни ташкил этган венгерларнинг аҳволи тўғрисида ҳам гапирди. Венгрия делегацияси Чехословакияда озчиликни ташкил этган венгерларнинг аҳволини текшириш учун Сулҳ конференциясидан халқаро экспертлар комиссиясини юборишни сўради. Бу гап залдагиларни тааммуҳлантирди. Конференция доираларида бу илтимоснинг Конференция вазифалари блан ҳам, тузиладиган шартномаларнинг лойиҳалари блан ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини айтмоқдалар. Бунинг устига бу илтимос Чехословакия суверенитетини бузадики, бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Венгрия вакили сулҳ шартномаси лойиҳасининг иқтисодий моддалари тўғрисида гапириб, уруш орқасида ва ҳарбий воқеалар натижасида ўз мамлакатига оғир зарарлар етказилганлигини та'кидлайди. У айтадики, немислар темир йўлдаги вагон ва паровозларнинг учдан икки қисмини нобуд қилдилар ёки олиб кетдилар, бу, Венгриянинг қашшоқланишига энг жиддий сабаблардан биридир.

«Репарация ҳақларини тўлаш учун белгиланган нарсаларни, — деди Дьендьеши, — Совет Иттифоқининг хайрихоҳлик блан яхши муносабатда бўлган лиги туфайли бериш мумкин. Совет Иттифоқи дастлабки даврда камроқ, кейинчалик тобора кўпроқ мол етказиб беришимиз учун имкон берди, репарация тўловларини дастлабки икки йилда Венгриянинг чет эллардаги муҳим операциялари ҳисобидан тўлашга имкон туғдирди. Биз мамлакатимизни озод қилганларнинг шу яхши ниятя учун ташаккур изҳор қиламиз. Бу яхши ниятя ўз устимизга олган мажбуриятларимизни зўр ғайрат блан бажариш учун бутун кучимизни сарф этишни талаб этади».

Дьендьеши сўзининг охирида бундай деди:

— Сулҳ шартномасининг имзоланиши бизнинг Бирлашган миллатлар ташкилотига киришимиз учун имконият беришини билсак, жуда хурсанд бўлур эдик. Биз шу ташкилотга киришишимиз учун руҳсат берилишини сўраймиз ва ҳозирданоқ ишонтириб айта оламизки, биз бу ташкилотда ўз ихтиёримизда бўлган бутун кучимиз блан самимий ҳамкорлик қиламиз.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

Дьендьешининг нутқидан кейин Чехословакия вакили Масарик сўз берилишини сўради. Масарик Венгрия делегациясининг ба'зи да'волари муҳокама қилинаётган сулҳ шартномаси лойиҳасига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини ва ўринсиз бир да'во эканлигини айтиб, Чехословакия делегацияси Венгрия баёнотини э'тибор блан ўрганиб чиқиш зарур деб ҳисоблайди, деди. У, ушбу баёнотнинг муҳокамасини келгуси мажлисгача кечиктиришни таклиф қилди. Бу таклиф қабул қилинди.

Сулҳ шартномалари лойиҳаларини ўрганучи комиссияларда

ПАРИЖ, 13 август (ТАСС махсус мухбиридан). Бугун кечқурун Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасини ўрганучи комиссияларнинг биринчи мажлислари бўлди. Бу мажлисларда ташкилий масалалар кўрилди.

Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг сиёсий масалалар ва территория масалаларига доир моддаларини ўрганучи комиссиянинг раиси қилиб Жанубий Африка Иттифоқи делегациясининг вакили Лиф Эгланд сайланди. Комиссия раисининг ўринбосари қилиб Украина вакили Д. Мануильский сайланди.

Италия блан тузиладиган шартномасининг иқтисодий ва молиявий масалаларга доир моддаларини кўручи комиссиянинг раиси қилиб Ҳиндистон вакили сэр Бор сайланди. Бу комиссия раисининг ўринбосари қилиб Югославия вакили Беблер сайланди.

Конференциянинг иш тартиби тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ, ҳарбир комиссия докладчи сайлаши керак. Докладчи комиссияда қабул қилинган қарорлар тўғрисида ялпи мажлисларда доклад қилади. Ҳар икки комиссияда бу масалани ҳал қилиш Америка Қўшма Штатлари вакилларининг ғалати бир йўлни тутишлари натижасида тўсатдан мураккаблашиб кетди. Америка Қўшма Штатларининг вакиллари, Ташқи ишлар министрлари кенгашида а'зо бўлган ва сулҳ шартномалари лойиҳаларини тузишда қатнашган мамлакатларнинг вакиллари докладчи қилиб тайинланмаслиги керак, деб талаб қилдилар. Америка Қўшма Штатларининг вакиллари, башарти буюк давлатларнинг вакиллари докладчи қилиб тайинланса, улар мазкур лойиҳаларни қувватлаяжаклар ва шу сабабдан «мушкул аҳволда қолажаклар» дейдилар. Бундай ғалати та'бир остида комиссияларнинг шу тайёрланган сулҳ шартномалари лойиҳаларига қарши чиқишлари лозимлигини олдиндан ҳал қилиб қўйиш истаги яширинганлигини пайқаб олиш қийин эмас эди.

Броқ комиссия а'золари Америка Қўшма Штатлари вакилларининг бу йўлини қувватламадилар.

Сиёсий масалалар ва территория масалаларига доир моддаларни ўрганучи комиссиянинг мажлисида (бу комиссия биринчи бўлиб тўпланди) Вишинский айтдики, иш тартиби тўғрисида тасдиқланган қоидаларда докладчи тайинлашни бу хилда чеклаш кўзда тутилмаган ва комиссияларнинг бундай чеклашларни киритишга ҳақи йўқ. Комиссиянинг бошқа а'золари бу баёнотни қувватладилар. Лекин, вақт бўлмаганлиги сабабли докладчи сайлаш келгуси мажлисга қолдирилди.

Иқтисодий масалаларни кўручи комиссия бу масалани муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун етарли вақтга эга эди. Броқ, комиссия раиси докладчи сайлашни, ҳеч бир сабаб кўрсатмай, кечиктиришни таклиф этди. Бу эса, комиссия а'золарининг норозилигига сабаб бўлди.

Вишинский масаланинг кечиктирилишига қаттиқ қарши чиқди. Бирқанча вакил, шу жумладан Чехословакия, Украина ва Австралия вакиллари Вишинскийни қувватладилар. Бир киши ҳам Америка Қўшма Штатлари делегациясининг асоссиз далилларини ёқламади.

Мунозара натижасида Вишинский докладчи қилиб Франция вакили сайлансин деб таклиф этди ва Америка Қўшма Штатларининг вакили ўз фикрини ўзгартиб, ҳамманинг фикрига қўшилар деб ишонч билдирди.

Америка Қўшма Штатларининг вакили ўз таклифидан воз кечиб, шу онлаёқ, бу фақат «истак» эди деб э'лон қилишга мажбур бўлди ва комиссиянинг бошқа а'золари блан бирга совет вакили таклиф этган номзод учун овоз берди. Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг иқтисодий ва молиявий масалаларга доир моддаларини ўрганучи комиссиядан докладчи қилиб Франция вакили Альфан бир оғиздан сайланди.

ТАСС РАДДИЯСИ

Рейтер агентлигининг хабарларига қараганда, Эроннинг Америка Қўшма Штатларидаги элчиси Ҳусайин Ала, менинг томонимдан олинган ма'лумотларга кўра, Ироқнинг Басра портида инглиз қўшинлари тўпланишига жавобан Эроннинг шимолий чегарасида совет қўшинлари тўпланмоқда, деган.

ТАСС Эрон чегарасида совет қўшинларининг тўпланаётганлиги тўғрисида юқорида келтирилган да'воларнинг ирвогарликдан иборат уйдирма эканлигини билдиришга вакил қилинган.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДАГИ КИНОФЕСТИВАЛЬДА «ҚАСАМ» ФИЛЬМИ КАТТА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНДИ

ПРАГА, 13 август (ТАСС). Чехословакиядаги Марианске-Лазне ва Карлови-Вари деган машҳур курортларда 1 августда кинофестиваль бошланди. Марианске-Лазнедаги халқ уйининг тамошабинлар блан лиқ тўлган залида 11 августда совет кинофильми «Қасам» кўрсатилди. Фильмни тамоша қилиш вақтида информация министри Копецкий, Чехословакиянинг ва бошқа мамлакатларнинг жуда кўп кино сан'ат арбоблари, матбуот вакиллари ва бошқалар ҳозир бўлди. Фильмни кўрсатиш олдидан совет кино режиссёри Г. Александров қисқа нутқ сўзлади. Тамошабинлар «Қасам» фильмини зўр хурсандчилик блан қарши олдилар.

Чехословак газеталари фильмга бағишлаб мақолалар босиб чиқардилар. Газеталар ўз мақолаларида бу фильмга юксак баҳо бермоқдалар.

«Қасам» фильми яқин кунларда Прага шаҳрининг ва Чехословакиядаги бошқа шаҳарларнинг кино-театрларида кўрсатила бошлайди.

ҚАВОМССАЛТАНА БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 14 август (ТАСС). Рейтер агентлигининг Техрондаги мухбири берган хабарга қараганда, Эрон бош министри Қавомссалтана суҳбат вақтида, Басрага инглиз қўшинларининг келтирилиши Эрон афкори оммасини ғазаблантиради, деган.

Қавомссалтана бундай деган: «Бу ҳол Ҳузистонда тартиб сақлашга ёрдам бермади. Ма'лумки, Ҳузистонда тўла тартиб ҳукм сурмоқда. Меҳнат министри Муаффар Фирузга меҳнат тўғрисидаги янги қонунни амалга ошириш ҳақида йўл-йўриқ берилди. Мен шу қонун амалга оширилгандан кейин иш ташлашнинг яна бошланиши мумкин эмас деб ўйлаймэн». Эроннинг ташқи сиёсати, дейди Қавомссалтана, ўзгармайди, бу — барча мамлакатлар блан ўзаро дўстона муносабатларда бўлишдан иборат. «Броқ, — деди бош министр, — Эроннинг қудратли қўшнилара унинг ички ишларига аралашмаганлари ёки аралашиш блан таҳдид қилмаганлари тақдирдагина бундай дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш мумкин. Эрон халқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилишни истайди ва ўзи ҳал қилмоғи керак. Ташқи сиёсат соҳасида бизнинг асосий мақсадимиз ана шундан иборат».

ЮЛИЯ ЎЛКАСИДАГИ ИТАЛЬЯН АҲОЛИСИ ЎЛКАНИ ЮГОСЛАВИЯГА ҚЎШИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

БЕЛГРАД, 15 август (ТАСС). ТАНЮГ агентлигининг мухбири Триестдан хабар беради: де Гасперининг Сулҳ конференциясидаги нутқидан кейин Юлия ўлкасининг итальян аҳолиси кўпчиликни ташкил қилган ғарбий қисмидаги ҳамма асосий марказларда намойиш ва митинглар бўлиб ўтди. Намойиш ва митингда қатнашган кишилар бу ерларни Югославияга қўшишни талаб қилдилар. Тржич шаҳрининг марказий майдонида бўлган митингга 20 мингдан ошиқ киши тўпланди. Намойишчилар Тито ва Кардель расмларини ҳамда «Италияда қолишни истамаймиз, балки Югославияда бўлишни истаймиз» деган шиорларни кўтариб келдилар. Митинг қатнашчилари бир оғиздан қарор қабул қилиб, Сулҳ Конференциясидан бу ўлкадаги кўпчилик аҳолининг истагини бажаришни ва уни Югославияга қўшишни талаб қилдилар.

Шу куни Крымин шаҳрида ҳам кўп киши қатнашган намойиш ва митинг бўлди. Митинг минбари югослав ва итальян байроқлари блан ҳамда маршал Тито ва Гарибальди портретлари блан безатилган эди. Митингда словен руҳоний Ферянчич нутқ сўзламоқчи бўлган эди. Лекин епископ Марготти унга нутқ сўзлашни тақиқлади. Шу сабабдан Ферянчич митинг қатнашчиларига хат юборди. Бу хат митингда ўқиб эшитдирилди. Ферянчич ўз хатида бундай деб ёзади: «Биз Югославиянинг соф виждонли гражданлари бўлишни чин кўнгилдан истаймиз. Югославияда ҳарбир киши нон ва иш блан та'мин қилинади».

КАРЛ ЛИБКНЕХТНИ ЎЛДИРГАН ҚОТИЛ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

БЕРЛИН, 15 август (ТАСС). ДАНА агентлигининг Висбадендан берган хабарига қараганда, Марбургнинг бош прокурори, Карл Либкнехтни ўлдиришда гумон қилинган собиқ капитан Риттеннинг қамоққа олинганлигини айтган. Риттенни илгари ҳарбий-денгиз суди оқлаган эди. Германия авиация министрлиги 1938 йилда чиқарган бир баёнотида Риттенни, у Карл Либкнехтни отиб ўлдирди, деб мақтаган эди.

МУСУЛМОНЛАР ИТТИФОҚИ «ҲАРАКАТ КУНИ»ГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ДЕҲЛИ, 14 август (ТАСС). Мусулмонлар иттифоқи 16 августда белгиланган «Ҳаракат куни»ни ўтказишга тайёрланмоқда. Шу куни Ҳиндистондаги барча мусулмонлар ишларини тўхтатиб, магазин ва конторларини ёпиб, митингларга тўпланмоқлари керак. Ҳамма уйларга Покистон, (я'ни Мусулмонлар иттифоқи талаб қилаётган мусулмон давлатини) байроқлари тикилиши лозим. Шу кунгача барча мусулмонлар инглиз ҳукумати берган даражалардан воз кечганликларини билдиришлари керак. Мусулмонлар иттифоқи бошчилик қилаётган Бенгалия ҳукумати бу куни иш куни эмас деб қарор чиқарди.

КОПЕНГАГЕНДА АМЕРИКА СОЛДАТЛАРИ БЛАН ДАНИЯЛИЛАР ЎРТАСИДА ТЎҚНАШУВ

КОПЕНГАГЕН, 15 август (ТАСС). Дания газеталари 10 августда Копенгагенда америка солдатлари блан даниялилар ўртасида бўлган тўқнашуви кенг шарҳлаб ёзмоқдалар.

«Политикен» ва «Социалдемократен» газеталари бу мажаронинг аҳамиятини камайтириб кўрсатишга уриниб, юз берган ҳодисани немислар вақтида сингиб қолган одат деб тушинтирмоқдалар.

«Берсен» газетаси бу тўқнашуни қуйидагича тасвирлайди: «Кўчада юз берган тўпаланда копенгагенлилардан неча юзлаб киши қатнашди. Бу тўпалан икки соатдан ортиқ давом этди ва Вестербруграден кўчасида (Копенгагендаги марказий кўчалардан бири) трамвай ҳаракати бирмунча вақт тўхтаб қолди. Тўпалан шундай қизиб кетдики, соқчилар аралашгандан кейингина бу тартибсизлик тўхтатилди. Бундай қаҳчли жанжалга учта америка солдатининг даниялилардан икки кишига ҳужум қилиши сабаб бўлди. Кўчада кетаётган даниялилар ўз ватандошларини ёқлаб жанжалга аралаша бошладилар. Жанжалга америка солдатларидан борган сари кўпроқ киши аралашаборди. Шундан кейин аҳвол хавфли тус олди. Оломон шундай қизиб кетдики, америкаликларни дўппаслашга сал қолди. Машинага тушган полициячилар етиб келгандан кейингина халқ тинчланди».

«Берлингске тиденде» газетаси бундай деб ёзади: «Халқ америка солдатлари блан бирга юрган даниялиларнинг сочларини қирқмоқчи бўлди. Кўп ҳолларда америка полицияси ёш аёлларни ўз ҳимояси остига олишга мажбур бўлди». (Ма'лумки, Германия таслим бўлгандан кейин, Данияда немислар блан бирга юрган қизларнинг сочлари қирқиб ташланган эди). Кўп кишилар шанба куни юз берган бу ҳодисага даниялиларнинг ғарбий иттифоқчиларига норозилик аломати деб қарайдилар. Даниялилар Англия-Америка ҳарбий миссиясининг бундан бўён Копенгагенда қолишига Данияни ҳақорат қилиш деб қарамоқдалар.

БИЛДИРИШ

Шу йил 20 август кеч соат 9 да ЎзК(б)П Тошкент шаҳар комитетининг мажлислар залида (Пушкин кўчаси, 1-нчи уй) «Қизил Ўзбекистон» газетхонларининг конференцияси бўлади.

Конференцияга ҳохлаган кишиларнинг кириши мумкин.

ЎзК(б)П ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ.

Мас'ул муҳаррир Ўринбосари Р. САХИБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 1946-47 йилги мавсумнинг бошланиши — 17 ва 18 августда **Муҳаббат.** Спектакль кеч соат 9 да бошланади.

ЎЗОПЕРА ТЕАТРИДА («Свердлов» театри биносида) — 18 августда **Лайли ва Мажнун.** 4 парда, 6 кўринишли опера. Сталин мукофоти лауреатлари СССР халқ артисти Ҳалима Носирова ва ЎзССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева, ЎзССР халқ артисти Қори Яқубов, ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар ва театр солистлари қатнашади. Спектакль кеч соат 9 да бошланади.

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ЯШ ТАМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА (Ҳамза кўчаси, 8-нчи уй) — 17 августда Шерзод ва Гулшод, 18 августда **Қаҳрамон.** Спектакльлар кундуз соат 4 да бошланади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ РЕСПУБЛИКА МУЗИКА ТЕАТРИДА (Тошсовет театри биносида) — 17 августда **Офтобхон,** 18 августда **Концерт.** Тамошалар кеч соат 9 да бошланади.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА (Пушкин номли боғ, ёзги театр) — 17 ва 18 августда **Тоҳир ва Зуҳра.**

СТАЛИН НОМЛИ БОҒДА (Комсомол кўли) — 17 ва 18 августда **Авиация кунига бағишланган катта сайиллар** бўлади. Аэропланда «Эйфель минорасг» атрофида учиш аттракциони кўрсатилади. Боғнинг майдончаларида — қизиқчи ва масхарабозларнинг тамошалари бўлади. Сайил кеч соат 6 да бошланади.

18 августда болалар сайили ўтказилади. Республика қўғирчоқ театрининг спектакли қўйилади. Боғда кемалар, болалар темир йўли ва отлар бор. Сайил эрталаб соат 10 да бошланади.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

РОТ-ФРОНТ» — **Чапаев** (ўзбек тилида); «НАВОИЙ» — **Катта вальс;** «9-НЧИ МАЙ» — **Шўх йигитлар;** «ОКТЯБРЬ» — **Ажойиб табиатли қиз;** «ВАТАН» — янги бадиий фильм **Давид Гурамишвили;** «ХЕВА» — янги бадиий фильм **Давид Гурамишвили;** «ИСКРА» — янги бадиий фильм **Қасам;** «УДАРНИК» — **Аринка;** «ТЕЛЬМАН» — **Айбсиз айбдорлар;** «ПОБЕДА» — **Ўнуч** (қозоқ тилида); «ВЕСНА» — **Волга-Волга.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда **Балерина;** «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Миргород;** «НОВОСТИ ДНЯ» — кундуз ва кечқурун **Безовта ҳўжалик.**

Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 30 бўлим халқ суди билдирадики, М. А. Гадойнинг У. В Гадойдан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, 25 бўлим халқ суди билдирадики, Х. Я. Юнусовнинг М. С. Шифринадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, Октябрь район, 14 бўлим халқ суди билдирадики, Ш. Ғуломовнинг О. Хўжаевадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: мас'ул муҳаррир ва унинг қабулхонаси — 36545, мас'ул муҳаррир ўринбосари — 32916, мас'ул секретарь — 31638, мас'ул секретарь ўринбосари — 33468, партия бўлими — 34780, совет қурилиши бўлими — 31226, қишлоқ хўжалиги бўлими — 33469, саноат бўлими — 31048, хатлар бўлими — 32347, Нашриёт директори — 34786
Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» босмахонаси. Тиражи 64.5 минг № 55. Р-04823.